| Эски таҳрир | Янги таҳрир | Изоҳ |
| --- | --- | --- |
| «TASDIQLANGAN»<br>Aksiyadorlar umumiy yig'ilishining<br>№93/2023 sonli bayonnomasi<br><br>2023 yil 22 may<br><br>**"UZBEK LEASING INTERNATIONAL A.O." AKSIYADORLIK JAMIYATI USTAVI (YANGI TAHRIRDA)**<br><br>Toshkent -2023 yil | «TASDIQLANGAN»<br>Aksiyadorlar umumiy yig'ilishining<br>№---------- sonli bayonnomasi<br><br>2023 yil -----------<br><br>**"UZBEK LEASING INTERNATIONAL" AKSIYADORLIK JAMIYATI USTAVI (YANGI TAHRIRDA)**<br><br>Toshkent -2023 yil | Мейбанкнинг Компания устав капиталидаги улуши 15% камайгани сабабли Компания номидан «Қўшма Корхона» сўзлари чиқариб ташланган. (ЎзРнинг «Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг оҳирги хатбоши ) |

| МУНДАРИЖА | МУНДАРИЖА | Қулай фойдаланиш мақсадида Мундарижа тартибга солинган ва хар бир модданинг матнда жойлашган бети кўрсатилган. |
|---|---|---|
| **1-модда. Умумий қоидалар.**<br>1.1. Таъсис шартномаси. Таъсисчилар.<br>1.2. Номланиш.<br>1.3. Манзил.<br>1.4. Муҳр.<br>1.5. Фаолият муддати.<br>1.6. Атамалар.<br>**2-модда. Компания мақсади ва фаолият турлари.**<br>2.1.Мақсад.<br>2.2. Компания ҳуқуқлари<br>**3-модда. Компания ҳуқуқий мақоми.**<br>3.1. Ташкилий ҳуқуқий шакл.<br>3.2. Чекланган масъулият.<br>3.3. Боғлиқ компаниялар ва Компания филиаллари.<br>3.4. Қонунларга риоя қилиш.<br>3.5. Компания автономияси.<br>**4-модда. Компания Устав фонди.**<br>4.1. Устав фонди миқдори.<br>4.2. Акциядорланинг Устав фондидаги улушлари.<br>4.3. Устав фондининг кўпайиши ва камайиши.<br>4.4. Эълон қилинган акциялар.<br>**5-модда. Компания акциядорлари ва акциялари.**<br>5.1. Акциядорларнинг ҳуқуқлари.<br>5.2. Акциядорлар мажбуриятларининг чекланиши.<br>5.3. Акциялар.<br>5.4. Акциядорлар реестри.<br>**6-модда. Компаниянинг бошқа фондлари**<br>6.1. Заҳира фонди ва бошқа фондлар.<br>6.2. Ажратмалар ва ишлатиш.<br>6.3. Зарарларни қоплаш.<br>**7-модда. Дивидендлар.**<br>7.1. Дивидендлар.<br>7.2. Дивидендлар тўлаш муддати.<br>7.3. Тўлов тартиби. | **1-модда. Умумий қоидалар......................................3**<br>**2-модда. Компания мақсади ва фаолият турлари.......................................................................4**<br>**3-модда. Компания ҳуқуқий мақоми.....................4**<br>**4-модда. Компания Устав фонди............................4**<br>**5-модда. Компания акциялари................................6**<br>**6-модда. Компания акциядорларининг ҳуқуқлари.....................................................................7**<br>**7-модда. Компаниянинг бошқа фондлари.....................................................................8**<br>**8-модда. Дивидендлар...............................................9**<br>**9-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи...........10**<br>**10-модда. Акциядорлар умумий йиғилиши.........10**<br>**11-модда. Кузатув кенгаши....................................13**<br>**12-модда. Бош директор.........................................16**<br>**13-модда. Компания фаолиятини назорат қилиш..........................................................................17**<br>**14-модда. Меҳнат муносабатлари..........................17** | |

| | | |
|---|---|---|
| **8-модда. Компания акцияларини жойлаштириш, сотиш ва мажбуриятларнинг таъминланиши.**<br>8.1. Акцияларнинг жойлаштириш тартиби ва шартлари.<br>8.2. Акцияларнинг сотилиши.<br>8.3. Мажбуриятларни таъминлаш.<br>8.4. Кириш ҳужжатлари.<br>8.5. Ҳуқуқларни ўтиши.<br>**9-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи.**<br>9.1. Ҳисобот тамойиллари.<br>9.2. Молиявий маълумотлар. Аудит текширувлари.<br>9.3. Йиллик ҳисобот: бюджет ва якуний ҳисоботлар.<br>9.4. Чорак ҳисоботлари.<br>9.5. Мустақил аудиторлар.<br>9.6. Молиявий йил.<br>9.7. Тил.<br>**10-модда. Акциядорлар умумий йиғилиши.**<br>10.1. Акциядорлар умумий йиғилиши.<br>10.2. Умумий йиғилишни чақириш.<br>10.3. Билдириш, кун тартиби.<br>10.4. Кворум.<br>10.5. Раис.<br>10.7. Овоз бериш.<br>10.8. Қарор қабул қилиш тартиби.<br>10.9. Саноқ комиссияси.<br>10.10. Ваколатлар.<br>10.11. Ҳуқуқларни ўтказиш.<br>10.12. Акциядорлани рўйхатга олиш.<br>**11-модда. Кузатув кенгаши.**<br>11.1. Кузатув кенгашининг Раиси.<br>11.2. Тайинлаш ва ваколатни тугатиш.<br>11.3. Тўловлар.<br>11.4. Кузатув кенгаши Раиси.<br>11.5. Мажлислар.<br>11.6. Билдириш, кун тартиби.<br>11.7. Билдиришдан воз кечиш. | | |

| | | |
|---|---|---|
| 11.8. Кворум<br>11.9. Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашиш.<br>11.10. Ваколатлар ва мажбуриятлар.<br>11.11. Овоз бериш талаблари (Кузатув кенгаши)<br>11.12. Ёзма қарор.<br>11.13. Махсус қўмиталар.<br>11.14. Ҳисоботлар.<br>**12-модда. Ижроия органи.**<br>12.1. Бош директор.<br>12.2. Тайинлаш ва ишдан четлатиш.<br>12.3.Ваколатлар.<br>12.4. Имзолаш.<br>**13-модда. Тафтиш комиссияси.**<br>13.1. Ваколати ва вазифалари.<br>13.2. Тайинлаш ва ваколатини тугатиш.<br>13.3. Мажлислар.<br>13.4. Аудиторни танлаш.<br>13.5. Молиявий ҳисоботлар.<br>13.6. Солиқ декларацияси.<br>13.7. Акциядорлар умумий йиғилиши.<br>13.8. Тўлов.<br>**14-модда. Ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчи.**<br>14.1. Ваколати ва вазифалари.<br>14.2. Корпоратив маслаҳатчи ваколатлари ва вазифалари.<br>**15-модда. Меҳнат муносабатлари.**<br>15.1. Ёллаш. Шартлар<br>**16-модда. Фаолиятни тугатиш ва тарқатиш.**<br>16.1. Тугатиш ва тарқатиш ҳоллари.<br>**17-модда. Тугатиш ва қайта ташкил этиш.**<br>17.1. Тугатиш комиссияси.<br>17.2. Баҳолаш.<br>17.3.Тўловлар.<br>17.4. Кучга кириш.<br>17.5. Қайта ташкил этиш. | | |

| | | |
|---|---|---|
| **18-модда. Бошқа қоидалар.**<br>18.1. Билдиришлар.<br>18.2. Бўлинувчанлик.<br>18.3. Чапараст хаволалар.<br>18.4. Тил ва нусҳалар.<br>18.5.Банд сарлавхалари. | | |

| | | |
|---|---|---|
| “Uzbek Leasing International A.O.” Aksiyadorlik jamiyati (Компания) ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвестициялари тўғрисида” ги Қонуни (унга киритилган ўзгаришлар билан), Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 30 апрелдаги “Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни (унга киритилган ўзгартиришлар билан), Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 апрелдаги (янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси №ЎРҚ-370-сон 06.05.2014 йилидаги Қонуни билан тасдиқланган) “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни, 1996 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республкаси Фуқаролик кодекси (унга киритилган ўзгартиришлар билан), ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 5 январда қабул қилинган 6-сонли Қарорига, хамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширади. | **Чиқариб ташланган.** | Эски таҳрирдаги Уставнинг ушбу қисмидаги қонунлар деярли ҳаммаси ўз кучини йўқотган. Уставнинг янги таҳририда бундан кириш қисмига ҳожат қолмаган. |
| **1-модда. Умумий қоидалар.**<br>**1.1. Таъсис шартномаси. Таъсисчилар.**<br>Компания 1995 йил 28 августда қуйидаги кўрсатиб ўтилган Компания таъсисчилари ўртасида тузилган таъсис шартномаси (унга киритилган ўзгартиришлар билан биргаликда – “Таъсис шартномаси”)га асосан ташкил этилган:<br>Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент ш., А. Темир кўчаси, 101-уй манлизи бўйича жойлашган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки давлат унитар корхонаси (“ЎЗМИЛЛИЙБАНК”);<br>Малазия, Куала Лумпур, 50050, Жалан Тун Перак100, Минора Мэйбанк,14-қават манзили бўйича | **1-МОДДА. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**<br>“Uzbek Leasing International A.O.” Акциядорлик жамияти (кейинчалик матнда - Компания) 1995 йил 5 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 6-сонли «Ўзбек Лизинг Интернэшнл АЖ» Қўшма Лизинг Компанияси ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ 1995 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Малазия компанияси Малайан Бэнкинг Берхард, Халқаро молия корпорацияси ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки таъсисчилигида ташкил этилган ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва | Компания тарихи қисқа ва тушунарли акс эттирилган. Қулай фойдаланиш мақсадида амалдаги акциядорлар алоҳида кўрсатилган, IFC ва EBRD юқорида фақат дастлабки таъсисчилар қаторида кўрсатган. Компаниянинг тўлиқ ва қисқа номи, почта ва электрон манзили фойдаланишда қулай шаклда акс эттирилган. Эски тахрирдаги матнда киритилган, лекин амалиётда хеч қачон фойдаланилмайган, бир бирини қайтарадиган, баъзи холларда маънога эга бўлмаган атамалар чиқариб ташланган. (ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси бешинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлари). |

| | | |
|---|---|---|
| жойлашган, Малазия қонунларига асосан ташкил этилган компания Малайан Бэнкинг Берхард (“Мэйбанк”);<br>АҚШ 20433, Колумбия Округи, Вашингтон ш., Пенсильвания авеню, 2121 манзили бўйича жойлашган, ўзининг аъзо давлатлари ўртасида тузилган Шартнома моддалари билан ташкил этилган халқаро ташкилот Халқаро молия корпорацияси (“ХМҚ”);<br>Буюк Британия, Лондон ш., EC2A, 1-Эксчэйнж Сквер манзили бўйича жойлашган, аъзо давлатлар ўртасида тузилган Шартномага асосан ташкил этилган худудий ривожланиш банки бўлган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (“ЕТТБ”).<br>**1.2. Номланиш.**<br>Компаниянинг тўлиқ расмий номи қуйидагича<br>- ўзбек тилида: “Uzbek Leasing International A.O.” Aksiyadorlik jamiyati;<br>- рус тилида: Акционерное общество “Uzbek Leasing International A.O.”<br>- инглиз тилида: Joint-stock company “Uzbek Leasing International A.O.”<br>Компаниянинг қисқартирилган расмий номи қуйидагича:<br>- ўзбек тилида: “Uzbek Leasing International A.O.” AJ QK;<br>- рус тилида: СП АО “Uzbek Leasing International A.O.”<br>- инглиз тилида: JSC JV “Uzbek Leasing International A.O.”<br><br>Компания ўз фаолиятини фақат ушбу ном остида олиб боради ва барча мажбуриятларни ушбу ном остида ўзига олади.<br>**1.3. Манзил.** | Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари асосида амалга оширади.<br><br>**Жамият (Компания) акциядорлари**:<br>“Uzbek Leasing International A.O.” Акциядорлик жамиятининг акциядорлари қуйидагилардир:<br>Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент ш., А. Темир кўчаси, 101-уй манзили бўйича жойлашган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Акциядорлик жамияти (“Ўзмиллийбанк”);<br>Малазия, Куала Лумпур, 50050, Жалан Тун Перак100, Минора Мэйбанк,14-қават манзили бўйича жойлашган, Малазия қонунларига асосан ташкил этилган компания Малайан Бэнкинг Берхард (“Мэйбанк”);<br>Ўзбекистон Республикаси, 100084, Тошкент ш., А. Темир кўчаси, 95А-уй манзили бўйича жойлашган, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан ташкил этилган, юридик шахс мақомига эга “Ўзбек-Уммон Инвестиция Компанияси” масъулияти чекланган жамият (“ЎзУммон”).<br>**Компания тўлиқ фирма номи**:<br>- ўзбек тилида: “Uzbek Leasing International” Aksiyadorlik jamiyati;<br>- рус тилида: Акционерное общество “Uzbek Leasing International”<br>- инглиз тилида: Joint-stock company “Uzbek Leasing International”<br>**Компания қисқартирилган фирма номи:**<br>- ўзбек тилида: “Uzbek Leasing International” AJ;<br>- рус тилида: АО “Uzbek Leasing International” | |

| | | |
|---|---|---|
| (а) Компаниянинг жойлашган жойи (почта манзили) қуйидагича: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 88а-уй<br>(б) Компаниянинг электрон почта манзили қуйидагича:<br>- uzlease@sarkor; ва<br>- info@uzbekleasing.uz<br>**1.4. Муҳр.**<br>Компания ўз номи ўзбек ва инглиз тилида акс эттирилган расмий муҳр ҳамда расмий бланкларга эга.<br>**1.5. Фаолият муддати.**<br>16-моддани инобатга олган холда, Компания фаолияти муддати чекланмаган.<br>**1.6. Атамалар.**<br>“Акция” Компаниянинг ўз акциясини билдиради ва 4.1.-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Акциядор” Компания акцияларига мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида эгалик килаётган ҳамда бундай акциялар эгаси сифатида Акциядорлар реестрида рўйхатга олинган жисмоний ёки юридик шахсни англатади.<br>“Акциядор вакили” 10.6. (б)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Акциядорлар реестри” Компания акциядорларининг реестрини англатади.<br>“Акциядорлар умумий йиғилиши” 10.1-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Акциядорлар шартномаси” 2000 йил 15 июнда Акциядорлар ва Компания ўртасида тузилган, ўзгартирилган ва янги таҳрирда қабул қилинган Акциядорлар шартномасини англатади, бу шартномага вақти-вақти билан Акциядорлар ва Компания ўртасида келишувга асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин. | - инглиз тилида: JSC “Uzbek Leasing International”<br>**Компания жойлашган жойи (почта манзили)**: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 88а-уй<br>**Компаниянинг электрон почта манзили**:<br>- uzlease@sarkor; ва<br>- info@uzbekleasing.uz<br>Компания ўз номи ўзбек ва инглиз тилида акс эттирилган расмий муҳр ҳамда расмий бланкларга эга. Компания фаолияти муддати чекланмаган.<br>Компанияда иш юритиш, барча ҳисоб-китоб маълумотлар ҳамда молиявий хужжатларни тайёрлаш ва тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўзбек, инглиз ёки рус тилларида (ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида бошқа тилда) амалга оширилади. | |

| | | |
|---|---|---|
| “АҚШ Доллари” ёки “US$”Америка Қўшма Штатларининг қонуний пул бирлигини билдиради.<br>“Билдириш” 18.1.-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Бош Директор” 12.1.(а)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Захира фонди” 6.1.-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Ишончнома” 10.1.(б)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Йиллик бюджет” 9.3.(а)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Йиллик якуний ҳисобот” 9.3.(в)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Қарор” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 05.01.1995 йилдаги 6-сонли Қарорини англатади.<br>“Мажбуриятларни таъминлаш” 8.3.-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Кузатув кенгаши” 11.1.-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Олинмаган Акциялар” 8.2.(б)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Олувчилар” 8.2.(а)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Рад этган олувчи” 8.2.(б)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Сотув” 8.2.(а)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Сотувчи” 8.2.(а)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Таклиф қилинган Акциялар” 8.2.(а)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Тафтиш комиссияси” 13.1. (а)-бандда ушбу атамага берилган маънога эга. | | |

| | | |
|---|---|---|
| “Устав фонди” Компаниянинг Устав фондини билдиради.<br>“Умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисоботи тамойиллари” Халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартлари қўмитаси томонидан эълон қилинган, халқаро даражада қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби стандартларини ҳамда, зарурият туғилган ҳолда, изчил тадбиқ этилажак халқаро даражада умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини англатади.<br>“Чорак ҳисоботлари” 9.4.-бандда ушбу атамага берилган маънога эга.<br>“Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси” Ўзбекистон Республикаси қонуний пул бирлигини англатади.<br>“Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги” 2.1. (ж) - бандда ушбу атамага берилган маънога эга. | | |
| **2-модда. Компания мақсади ва фаолият турлари.**<br>**2.1.Мақсад.**<br>Компания қуйидаги мақсадларга эга:<br>(а) Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигида ёки уйда ишлатадиган механик, электр ёки бошқа турдаги хар қандай мебелларни, асбоб-ускуналарни, механизмларни, жихозларни, аппаратларни, автотранспорт воситаларини, товар ва бошқа молларни, шунингдек, юқоридагилар билан бирга ишлатиладиган ёхуд уларни ишлаб чиқарилишида, таъмирланишида ҳамда ишлатилишида қўлланадиган ҳар қандай бошқа хусусиятга эга барча буюмларни ижар қилиш, сотиб олиш, ижарага, шу жумладан лизингга бериш ёки ижарага олиш, ижарага, шу жумладан лизингга бериш учун сотиб олиш ёхуд енгиллаштирилган тўлов тизимини таъминлаш.<br>(б) 2.1. (а)-бандида санаб ўтилганларни сотиб олиш, сотиш, ўзгартириш, таъмирлаш, алмаштириш, улар | **2-МОДДА. КОМПАНИЯ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.**<br>Компаниянинг асосий мақсади акциядорларнинг иқтисодий, моддий, молиявий ва бошқа имкониятларини бирлаштириб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ фойда олишга йўналтирилган фаолиятни амалга оширишдан иборат.<br>Компания фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширади, шу жумладан:<br>- лизинг, молиявий ижара, ижаранинг бошқа барча шакллари ва турлари;<br>- ислом молия хизматлари, шу жумладан муробаха, ижара, мушорака, мудораба, салям, истисна, вакала ва бошқалар, уларнинг барча шакллари ва турлари; | Ушбу модданинг эски таҳририга киритилган, лекин умуман амалиётга керак бўлмаган, ўқиганда чалкаштирадиган, баъзи ҳолларда инглиз тилидан таржима қилинганлиги сабабли тушуниши қийин бўлган қоидалар янги тахрирда чиқариб ташланган.<br>Компания мақсади ва фаолият турлари қонунчиликка мос ва Компаниянинг амалдаги фаолиятни тўғри акс эттирадиган шаклда баён этилган. (ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддаси биринчи қисми учинчи хатбоши) |

| | | |
|---|---|---|
| юзасидан савдо-сотиқ ишларини амалга ошириш ва уларни сотилишини молиялаштириш, улардан биронтасини ижарага бериш учун сотиш, шунингдек, шулар билан боғлиқ хар қандай ишларни шартнома асосида ёки бошқача тарзда амалга ошириш.<br>(в) 2.1.(а)-бандда санаб ўтилганлардан истаганини ва, умуман, айтиб ўтилган Компания фаолияти муносабати билан ёки унга қўшимча равишда Компания томонидан қулай ёхуд муносиб ишлатилиши мумкин бўлган хар қандай нарса ёки нарсаларни пулга, қарзга ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тизими асосида сотилишини, шунингдек, бундай нарсага нисбатан ижарага бериш учун сотиб олиш, лизинг қилиш, ижара шартномасини тузиш ёхуд енгиллаштирилган тўловни ёки бошқаларни амалга оширилишини таъминлаш учун тижорат фаолиятни амалга ошириш, ёки бошқача тарзда, юқорида айтиб ўтилган нарсалардан биронтасини кўрсатилгандек сотилиши ёхуд сотиб олинишига турли йўллар билан алоқадор бўлган шахслар, фирмалар ёки компанияларга қарз хамда аванс пуллар бериш ёки уларнинг номидан қарзлар борасида музокаралар олиб бориш.<br>(г) Ишлаб чиқаришни бошқариш ҳамда ташкил қилиш ва ходимлар ишлари бўйича маслаҳатчиларни тайёрлаш борасидаги масалалар бўйича маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатиш, шунингдек, бизнес ва ишлаб чиқаришни барча турларини кенгайтириш, ривожлантириш ва яхшилаш воситалари ва йўллари ҳамда махсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, тарқатиш, бозорга чиқариш ва сотишга ва/ёки хизматлар кўрсатишга боғлиқ барча тизим ёки жараёнлар юзасидан маслаҳатлар бериш;<br>(д) Инвестицияларни бошқариш, молиявий режалаштириш хамда ташкилот бюджетини шакллантириш масаллари бўйича маслаҳатчи | - барча турдаги товарларни ишлаб чиқариш, хизматларни кўрсатиш ва ишларни бажариш бўйича фаолиятни барча турлари ва шакллари.<br>Лицензия ва рухсат олишни ёки хабардор килишни талаб қиладиган фаолият турларини Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда амалга оширади. | |

| | | |
|---|---|---|
| сифатида тижорат фаолиятини амалга ошириш, ва, хар қандай бизнесни, ишларни, лойиҳаларни ёхуд турли турдаги корхоналарни бошқариш ва молиялаштириш, шу жумладан, шундай ташкилот ва уюшмаларда акция ва улушларга обуна қилиш ҳамда уларни сотиш.<br>(е) Юқорида 2.1.(а)-(д) бандларда айтиб ўтилган масалалар билан боғлиқ бўлган ёки уларга алоқадор бўлган хар қандай бошқа фаолиятни амалга ошириш.<br>(ж) Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, жумладан қонунлар ва қонуности ҳужжатлари (чекланмаган холда Қарорни хам қўллаб) ва Ўзбекистон Республикаси томонидан расмий тасдиқланган халқаро шартномаларга мувофиқ (биргаликда "Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги") Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ушбу Уставнинг 10-моддасида кўрсатилган тартибда қабул қилган қарори асосида хар қандай бошқа фаолиятни амалга оширади.<br><br>**2.2. Компания ҳуқуқлари**<br>2.1.-бандда белгиланганларни инобатга олган холда, Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тўлиқ хажмда қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:<br>(а) маскур Устав ва Қарорда кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш;<br>(б) Компанияни ташкил этилиши, таъсис қилиниши, рўйхатдан ўтказилиши, шакллантирилиши билан боғлиқ бўлган ҳамда айтиб ўтилганлардан илгари кўрилган ва қўшимча ҳаражатларнинг барчасини ёки бир қисмини қоплаш;<br>(в) жойлашган жойидан қатъий назар, бошқа кўчар ва кўчмас мулкларни сотиб олиш, ижарага, шу жумладан лизингга бериш, қабул қилиш, қонуний воситалар ёрдамида олиш ёки бошқа йўллар билан уларга эгалик | | |

| | | |
|---|---|---|
| қилиш ҳуқуқини олиш, уларга эгалик қилиш, сақлаш, яхшилаш, фойдаланиш ва уларга нисбатан бошқа ишларни амалга ошириш, шунингдек, бундай мулк ва активлар ёки уларга нисбатан мулк хуқуқларини сотиш, топшириш, ижарага шу жумладан лизингга бериш, алмаштириш, ўтказиш ёки бошқа йўлар билан тасарруф этиш;<br>(г) бошқа компаниялар ёки корпорацияларнинг акцияларини, бошқа инвестицияларини ёки улушларини сотиб олиш, сақлаш ва тасарруф этиш;<br>(д) тижорат ҳамда иқтисодий фаолиятлар, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятолиб бориш, бу Компаниянинг Ўзбекистон Республикаси худуди ташқарисида тўлиқ ёки қисман олиб бораётган, ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган бирон бир томон қатнашаётган ҳар қандай иқтисодий фаолиятида ўз аксини топади;<br>(е) шартномалар тузиш, ўз зиммасига мажбуриятларни олиш, Компания томонидан белгиланган фойизли ставкалар бўйича қарзга пул олиш, ўз корпоратив облигацияларини ва бошқа қарз мажбуриятларини чекланмаган ҳолда чиқариш, ва мажбуриятларини бажарилишини таъминлаш учун ўзининг мулкини, ҳуқуқларини ва оладиган фойдасини тўлиқ ёки қисман Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида рухсат этилгандек гаровга қўйиш, ва ўз ишлари ёки боғлиқ компаниялар мақсадларини ўтказиш, илгари суриш ёки ушбу мақсадларга эришиш учун талаб этилган ёки мутаносиб бўлган кафолатлар ва кафиллик тўғрисида шартномалар тузиш.<br>(ж) Кузатув кенгаши ёки Тафтиш комиссияси аъзоларига, Бош директор ёки Компания ходимига Компанияга қабул қилиниши ёки Компанияда ишлаши натижасида у томонидан олинган | | |

| | | |
|---|---|---|
| мажбуриятларини қоплаш мақсадида тўлов пулини тўлаш.<br>(з) Компания мақсадлари учун пулни қарзга бериш, ўз маблағларини инвестиция ёки қайта инвестиция қилиш, ва шу тарзда қарзга берилган ёки инвестиция қилинган маблағларни қайтарилишини таъминлаш учун моддий ва номоддий бўлган кўчар ва кўчмас мулкни олиш, сақлаш ёки тасарруф қилиш.<br>(и) ўз фаолиятини амалга ошириш учун товарлар, жихозлар ва хизматлари импорт қилиш.<br>(к) етказиб берилган товарлар ва хизматлар нархини мустақил равишда белгилаш.<br>(л) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида тўғридан-тўғри ёки воситачилар орқали бартер битимларини амалга ошириш.<br>(м) Компания томонидан сотилга ёки бошқача тарзда тасарруф этилган мажбурият ёки бирон-бир мулк ёки ҳуқуқлар эвазига тўловларни нақд пул ёки мунтазам равишда амалга ошириладиган тўловларни ёки бошқача тарзда, ёхуд акциялар шаклида, ва умуман, Компания томонидан белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига зид бўлмаган шартларга асосан қабул қилади.<br>(н) Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида хорижий валюта ва Ўзбекистон Республикасининг қонуний валютасида банк хисобини (жумладан ЎЗМИЛЛИЙБАНКда) очиш ва юритиш.<br>(о) жорижий валюта сотиб олиш (сотиш) учун валюта биржаларида, ҳамда мол-ашё биржаларда қатнашиш.<br>(п) хар кандай давлатда судларда, хакамлар мухокамаларида, трибунал олдида хамда суд қиладиган хар қандай ваколатли идора олдида даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш; | | |

| | | |
|---|---|---|
| (р)Ўзбекистон Республикаси фукаролари ҳамда чет эл фуқароларини ишга қабул қилиш, уларнинг иш ҳаққи турини ва миқдорини белгилаш.<br>(с) Компания хамда Компаниянинг исталган шўъба корхонасииш фаолиятини ривожлантиришва кенгайтириш учун Компания маблағларини ишлатиш.<br>(т) ушбу Уставнинг 7-моддасига мувофиқ дивидендларни эълон қилиш.<br>(у) ишончномалар бериш.<br>(ф) Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида ҳар қандай савдо белгилари, савдо номи, хизмат белгилари, расмлар, патентлар, ихтиролар, ноу-хау ва интелектуал мулкнинг хар қандай шаклларини сўраб олиш, рўйхатдан ўтказиш, сотиб олиш ёки бошқа йул билан уларга эга бўлиш, сотиш, лизенциялаштириш, ўтказиш ёки савдо қилиш.<br>(х) зарар, таваккалчилик қилиш ёки хар қандай турдаги қарзларга қарши суғурталашни амалга ошириш.<br>(ц) хайрия, соғлиқни сақлаш, маданият ва фан эхтиёжлари учун маблағлар ажратиш.<br>(ч) Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида ваколат берувчи, агент, пудратчи ёки бошқа шахслар сифатида мустақил ёки бошқа шахслар билан биргаликда, ва агентлар, субпудратчилар, шўъба корхоналар, филиаллар ҳамда ваколатхоналар орқали ёки бошқа йўл билан ҳаракат қилиш;<br>(ш) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ва 2.1.-бандда кўрсатилган Компаниянинг бирламчи мақсадларидан келиб чиқиб, ушбу Уставга асосан ва Компания асосий фаолиятини амалга оширишда ёрдам берадиган қўшимча ҳар қандай бошқа ишларни амалга ошириш, ва<br>(щ) Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ушбу Уставнинг 10-моддасида кўрсатилган тартибда қабул қилинган қарор билан тасдиқланган ҳар қандай бошқа | | |

| | | |
|---|---|---|
| фаолиятларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга ошириш.<br><br>**3-модда. Компания ҳуқуқий мақоми.**<br>**3.1. Ташкилий ҳуқуқий шакл.**<br>Компания акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида расмий равишда давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб мустақил юридик шахс мақомини олади.<br>**3.2. Чекланган масъулият.**<br>(а) Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мустақил юридик шахс ҳисобланиб, унинг ҳуқуқий лаёқати Акциядорларнинг ҳуқуқи лаёқатидан алоҳида бўлади.<br>(б) Хеч қайси акциядор Компания қарзлари ёки мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.<br>(в) Компания Акциядорлар ёки Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.<br>(г) Агар Ўзбекистон Республикаси аниқ бундай мажбуриятни олмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Компания Акциядорлари ёки Компания мажбуриятлаи бўйича жавобгар бўлмайди.<br>(д) Компания ўз мажбуриятлари бўйича фақат узига қарашли активлар қиймати доирасида жавобгар бўлади.<br>**3.3. Боғлиқ компаниялар ва Компания филиаллари.**<br>Компания Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва тегишли чет давлат қонунчилигига мувофиқ тарзда ўз бўлинмаларини, ваколатхоналарини, шўъба корхоналарини ва бошқа тобе компанияларни ташкил этиш ҳуқуқига эгадир. Компанияга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ҳамда алоҳида юридик шахс | **3-МОДДА. КОМПАНИЯ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ.**<br>Компания акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ва мустақил юридик шахс ҳисобланади. Компания ўз мулкига эга бўлиб, ўз номидан иқтисодий ва бошқа муносабатларда харакат қилади, ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради, ўз мажбуриятлари бўйича барча мулки билан жавоб беради.<br>Компания акциядорлари Компания қарзлари ёки мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди ва хар бир акциядоринг Компания олдидаги мажбурияти унинг Компания акциядорининг қиймати бўйича тўланадиган миқдори доирасида чекланади. Компания ўз акциядорлари мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Компания ўз мажбуриятлари бўйича фақат узига қарашли активлар қиймати доирасида жавобгар бўлади.<br>Компания Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва тегишли чет давлат қонунчилигига мувофиқ тарзда ўз бўлинмаларини, ваколатхоналарини, шўъба корхоналарини ва бошқа тобе компанияларни ташкил этиш ҳуқуқига эга. Компаниянинг ушбу тузулмавий бўлинмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси, тегишли чет давлат қонунчилиги ҳамда Компания томонидан тасдиқланган низомлар асосида амалга оширилади.<br>Компания Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонуни, бошқа қонунчилик ва қонуности актларида назарга тутилган барча ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларни амалга оширади. | Устав дастлаб тасдиқланган пайтидаги ациядорлик жамиятларини тартибга солувчи Ўзбекистон қонунчилиги бир неча бор тубдан ўзгартирилган. Янги таҳрирдаги ушбу модда Ўзбекистон Республикасининг хозирги кундаги акциядорлик жамиятларини ҳуқуқий мақомини тартибга солувчи қонунчилдиги асосида баён этилган. Ортиқча, нотўғри фойдаланилган ёки таржима қилинган, умумий маънони тушунишга тўсқинлик қиладиган термин ва қоидалар чиқариб ташланган. (ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси иккинчи қисми, 4-моддаси, 7-моддаси ва бошқалар) |

| | | |
|---|---|---|
| хисобланган шўъба корхоналар Компания мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, ва, бундай шахслар устав фондига келишилган миқдорда баддаллар киритиш шарти билан Компания уларнинг қарзилари ва мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда тегишли чет давлат қонунчилигида талаб қилинган ёки бундай шахслар таъсис хужжатларида бошқача белгиланган холлар бундан истисно.<br>**3.4. Қонунларга риоя қилиш.**<br>Агар Компанияга Акциядорлар давлатлари ўртасида тузилган давлатлараро ёки хукуматлараро шартномалар билан қулайроқ шарт-шароитлар яратилмаса, Компания ушбу Устав, Қарор, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташкил этилади хамда фаолият олиб боради ва уларда белгиланган имтиёзлар, ҳуқуқларга ҳамда енгилликларга эга бўлади.<br>**3.5. Компания автономияси.**<br>Компания ўзининг бошқарув тизимини, қарор қабул қилиш тартибини, маркетинг сиёсатини, нарх-наво сиёсатини, иш ҳақи ҳамда дивидендлар тўлаш сиёсатини, шунингдек, ўз иш фаолияти ва ички бошқарувига боғлиқ бўлган бошқа барча аспектларни мустақил равишда белгилайди.<br><br>**4-модда. Компания Устав фонди.**<br>**4.1. Устав фонди миқдори.**<br>Компаниянинг Устав фонди миқдори ўн етти миллиард икки юз эллик тўқиз миллион туқиз юз қирк уч минг туқиз юз олти (17 259 943 906) сўмни ташкил қилади, ва ушбу сумма Компания Устав фондига киритилган хорижий валюта ва пул бадалларини, бадал киритилган вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси эътиборга олганда ўн бир миллион бир | **4-МОДДА. КОМПАНИЯ УСТАВ ФОНДИ.**<br>Компаниянинг Устав фонди 17 259 943 906 (ўн етти миллиард икки юз эллик тўққиз миллион тўққизюз қирқ уч минг тўққиз юз олти) сўмни ташкил қилади, ва ушбу сумма Компания Устав фондига киритилган хорижий валюта ва пул бадалларини, бадал киритилган вақтда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича олганда US$ 11 142 742,01 (ўн бир миллион бир юз қирқ икки | Ушбу модданинг янги таҳрирда маъно жихатдан деярли ўзгармаган. |

| | | |
|---|---|---|
| юз қирқ икки минг етти юз қирқ икки АҚШ доллари 01 сент (US$ 11 142 742,01) ни ташкил қилади.<br>Устав фонди ўн бир миллион тўрт юз етти минг етти юэ олтмиш икки (11 407 762) дона оддий, эгасининг номи ёзилган акцияларга бўлинади (хар бири "Акция"). Ҳар бир Акциянинг номинал қиймати бир минг беш юз ўн уч (1 513) сўмга тенг.<br>**4.2. Акциядорланинг Устав фондидаги улушлари.**<br>Акциядорларнинг Устав фондидаги улушдари қуйидагича тақсимланади:<br>(а) АЖ "Ўзмиллийбанк" - Устав фондининг қирк беш бутун юздан эллик турт фоизини (45,54%) ташкил этувчи беш миллион бир юз туқсон беш минг уч юз саксон бир (5 195 381) дона акцияга эга. АЖ "Ўзмиллийбанк" эгалигидаги акцияларнинг умумий қиймати етти миллиард саккиз юз олтмиш миллион олти юз ўн бир минг турт юз эллик уч (7 860 611 453) сўмга тенг. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан бадал киритилган вақтидаги хорижий валюталарга нисбатан расмий курсларни эътиборга олганда турт миллион икки юз йигирма минг саккиз юз тўқсон АҚШ доллари 96 сент (US$ 4 220 890,96) га тенг;<br>(б) Малайя Бэнкинг Берхард - Устав фондининг ўн бутун юздан қирқ фоизини (10,40%) ташкил этувчи бир миллион бир юз саксон олти минг беш юз (1 186 500) дона акцияга эга. Мэйбанк эгалигидаги акциялранинг умумий қиймати бир миллиард етти юз тўқсон беш миллион бир юз етмиш тўрт минг беш юз (1 795 174 500) сўмга тенг. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан бадал киритилган вақтидаги хорижий валюталарга нисбатан расмий курсларни эътиборга олганда уч миллион бир юз эллик минг (US$ 3 150 000) АҚШ долларига тенг; | минг етти юз қирқ икки АҚШ доллари 01 сент)ни ташкил қилади.<br>Устав фонди 11 407 762 (ўн бир миллион тўрт юз етти минг етти юэ олтмиш икки) дона оддий, эгасининг номи ёзилган акцияларга бўлинади. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 1 513 (бир минг беш юз ўн уч) сўмга тенг.<br>**Акциядорларнинг Устав фондидаги улушлари**:<br>(а) Ўзмиллийбанк - Устав фондининг 45,54% (қирқ беш бутун юздан эллик турт) ташкил этувчи 5 195 381 (беш миллион бир юз туқсон беш минг уч юз саксон бир) дона акцияга эга. ЎЗМИЛЛИЙБАНК эгалигидаги акцияларнинг умумий қиймати 7 860 611 453 (етти миллиард саккиз юз олтмиш миллион олти юз ўн бир минг турт юз эллик уч) сўмга тенг. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан бадал киритилган вақтидаги хорижий валюталарга нисбатан расмий курсларни эътиборга олганда US$ 4 220 890,96 (турт миллион икки юз йигирма минг саккиз юз тўқсон АҚШ доллари 96 сент) га тенг;<br>(б) Малайя Бэнкинг Берхард - Устав фондининг 10,40% (ўн бутун юздан қирк фоизини) ташкил этувчи 1 186 500 (бир миллион бир юз саксон олти минг беш юз) дона акцияга эга. Мэйбанк эгалигидаги акцияларнинг умумий қиймати 1 795 174 500 (бир миллиард етти юз тўқсон беш миллион бир юз етмиш тўрт минг беш юз) сўмга тенг. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан бадал киритилган вақтидаги хорижий валюталарга нисбатан расмий курсларни эътиборга олганда US$ 3 150 000 (уч миллион бир юз эллик минг) АҚШ долларига тенг;<br>(в) ЎзУммон – Устав фондини 44,06% (қирқ турт бутун юздан олти фоизини) ташкил этувчи 5 025 881 (беш миллион йигирма беш минг саккиз юз саксон бир) дона акцияга эга. ЎзУммон эгалигидаги акцияларнинг умумий қиймати 7 604 157 953 (етти | |

| | | |
|---|---|---|
| (в) “O’zbek-O’mon Investitsiya Kompaniyasi” MChJ – Устав фондини қирқ турт бутун юздан олти фоизини (44,06%) ташкил этувчи беш миллион йигирма беш минг саккиз юз саксон бир (5 025 881) дона акцияга эга. “O’zbek-O’mon Investitsiya Kompaniyasi” MChJ эгалигидаги акцияларнинг умумий қиймати етти миллиард олти юз турт миллион бир юз эллик етти минг туқиз эллик уч (7 604 157 953) сўмга тенг. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан бадал киритилган вақтидаги хорижий валюталарга нисбатан расмий курсларни эътиборга олганда уч миллион етти юз етиш етти бир минг саккиз юз эллик бир АҚШ доллар 05 сент (US$ 3 771 851,05)га тенг;<br>**4.3. Устав фондининг кўпайиши ва камайиши.**<br>(а) Компаниянинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Бунда қўшимча акциялар, эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин. Компаниянинг Устав фондини кўпайтириш ва ушбу Уставга тегишди ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.<br>Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Компаниянинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, Ўзбекистон Респбликаси қонунчилигига ва ушбу Уставнинг қоидаларига мувофиқ жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.<br>(б) Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қиймати ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, | миллиард олти юз турт миллион бир юз эллик етти минг туқиз эллик уч) сўмга тенг. Ушбу сумма Акциядорлар томонидан бадал киритилган вақтидаги хорижий валюталарга нисбатан расмий курсларни эътиборга олганда US$ 3 771 851,05 (уч миллион етти юз етиш етти бир минг саккиз юз эллик бир АҚШ доллар 05 сент)га тенг;<br>Компания Устав фондининг эълон қилинган акцияларини номинал қиймати 1 513 (бир минг беш юз ўн уч) сўм бўлган 494 615 760 (турт юз туқсон турт миллион олти юз ўн беш минг етти юз олтмиш) дона эгасининг номи ёзилган оддий ациялар ташкил қилади.<br>Компаниянинг Устав фонди қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин. Бунда қўшимча акциялар эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.<br>Компаниянинг Устав фондини кўпайтириш ва ушбу Уставга тегишди ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Компаниянинг Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларни жойлаштириш муддати ва шартлари, шу жумладан, Ўзбекистон Респбликаси қонунчилигига ва ушбу Уставнинг қоидаларига мувофиқ жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун Компаниянинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланган бўлиши лозим.<br>Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қиймати ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини Компаниянинг ўзи кейинчалик муомиладан | |

| | | |
|---|---|---|
| акцияларнинг бир қисмини Компаниянинг ўзи кейинчалик муомиладан чиқариш шарти билан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.<br>Устав фондини камайтириш ва ушбу Уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.<br>Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилган вақтда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.<br>Устав фондини камайтириш вақтида Компания тугатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя қилиш зарур.<br>(в) Устав фондига киритилган хар қандай ўзгартиришлар ушбу Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан сўнг ва ушбу Уставга киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон қонун ҳужжатларида кўрсатилган муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (ёки бошқа тегишли давлат идорасида) рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга эга бўлади.<br>**4.4. Эълон қилинган акциялар.**<br>Компания Устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг сони, номинал қиймати бир минг беш юз ўн уч (1 513) сўм бўлган турт юз туқсон турт миллион олти юз ўн беш минг етти юз олтмиш (494 615 760) дона эгасининг номи ёзилган оддий ациялардан иборат. | чиқариш шарти билан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.<br>Устав фондини камайтириш ва ушбу Уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади. Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилган вақтда Акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.<br>Устав фондини камайтириш вақтида Компания тугатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя қилиш зарур.<br>Устав фондига киритилган хар қандай ўзгартиришлар ушбу Уставга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан сўнг ва ушбу Уставга киритилган ўзгартиришлар Ўзбекистон қонун ҳужжатларида кўрсатилган муддат ичида ўрнатилган тартибда давлат рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга эга бўлади. | |
| **5-модда. Компания акциядорлари ва акциялари.**<br>**5.1. Акциядорларнинг ҳуқуқлари.**<br>Акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: | **5-МОДДА. КОМПАНИЯ АКЦИЯЛАРИ.** | **Уставнинг янги таҳририда акциядорларнинг ҳуқуқларини** |

| | | |
|---|---|---|
| (а) акциядорлар реестрига киритиш;<br>(б) депо ҳисобварағидан ўзига таалуқли кўчирма олиш;<br>(в) Компания фойдасининг бир қисми 7-моддага мувофиқ эълон қилинадиган дивидендлар кўринишида олиш;<br>(г) ўзи эгалик қилаётган Акциялар миқдорига мутаносиб равишда, Компания тугатилиши билан қарзлари ва мажбуриятлари бўйича кредиторлар талаблари қондирилгандан сўнг, қолган Компания мол-мулкларидан улуш олиш;<br>(д) Компания бошқарувида қатнашиш, жумладан, Акциядорлар умуми йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш.<br>(е) Компаниядан унинг йиллик баланси хамда фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи нусхасини, шунингдек мунтазам равишда, Компания фаолияти тўғрисида тўлик ва ишончли маълумотларни олиш;<br>(ж) олган дивидендларини эркин тасарруф этиш;<br>(з) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;<br>(и) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга бирлашиш;<br>(к) Акциядорлар шартномасида белгиланган Акцияларни ўтказишга оид шартларни бажарган холда ва ушбу Уставнинг 8-моддасига мувофиқ ўз акцияларини сотиш ва бошқа йўллар билан ўтказиш;<br>(л) Кузатув кенгаши аъзолигига ушбу уставда кўрсатилган усулда номзодларни таинлаш;<br>(м) ушбу устав ва Акцядорлар шартномаси билан бегиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;<br>(н) бошқа акциядорлар томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, ўзига тегишли | Компаниянинг акциялари эгасининг номи ёзилган оддий турдаги қимматли қоғозлар бўлади. Акция булинмайди.<br>Ҳар бир акция акциядорга акциядорлар умумий йиғилишида битта овоз ҳуқуқини беради.<br>Компания акциядорлар умумий йиғилишининг 10-моддада кўрсатилган тартибда қабул қилинган тегишли қарори асосида қўшимча акциялар чиқаришга хақли. Агар барча акциядорлар бошқача келишиб олмаган бўлса, қўшимча чиқарилган акциялар хар бир акциядорга унга тегишли акциялар миқдорига мутаносиб равишда таклиф қилинади.<br>Акциядорлар реестри Компания и Қимматли қоғозлар марказий депозитарий ўртасида тузилган шартнома асосида Қимматли қоғозлар марказий депозитарий томонидан шакллантирилади.<br>Акциядорлар реестри Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда, акциялар эгаларининг инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра шакллантирилади.<br>**Акцияларни жойлаштиришда қуйидаги тартиб ва шартларга риоя қилинади:**<br>(а) Компания ўзи чиқараётган акцияларни ёпиқ усулда жойлаштирилади.<br>(б) Компания очиқ обуна воситасида акцияларни жойлаштиришга ёки уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга хақли эмас.<br>(в) Компания томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.<br>(г) Компаниянинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловларнинг бошқа воситалари, мол-мулк, технологик асбоб ускуналар, технологиялар, | **масаласини аҳамиятини инобатга олиб, уларни алоҳида моддага ажратилган.**<br>Янги таҳрирда ушбу моддада фақат акциялар билан боғлиқ масалалар қолдирилган. Эски таҳрир билан солиштирганда, маъно жихатдан барча муҳим масалалар янги таҳрирдаги Уставда сақлаб қолинган. |

| | | |
|---|---|---|
| Акцияларнинг сонига мутаносиб равишда имтиёзли тарзда сотиб олиш;<br>(о) Компания чиқарадиган акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли акциялар миқдодрига мутаносиб миқдорида имтиёзли сотиб олиш;<br>Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга;<br>(п) ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;<br>(р) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш; ва<br>(с) Ўзбекситон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш, Акциядорлар компания махсулотлари ва хизматларини олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишдан воз кечиш бундан мустасно.<br>**5.2. Акциядорлар мажбуриятларининг чекланиши.**<br>Хар бир Акциядоринг Компания олдидаги мажбурияти унинг Компания Акциядорининг қиймати бўйича тўланадиган миқдори доирасида чекланади.<br>**5.3. Акциялар.**<br>(а) Компаниянинг акциялари эгасининг номи ёзилган оддий турдаги қимматли қоғозлар бўлади. Акция булинмайди.<br>(б) Ҳар бир акция Акциядорга Акциядорлар умумий йиғилишида битта овоз ҳуқуқини беради. | шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.<br>(д) Акциядорлар Компания томонидан қўшимча чиқарилган акцияларни жойлаштиришда қонунчиликда кўрсатилган муддатлар ичида уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Бундай имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, акциядорлар ўзига тегишли бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда жойлаштирилаётган акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.<br>(е) Компания акциядорлари Компаниянинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларини учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядорлар ушбу имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланмаганларида ўзларига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда Компания акциядори томонидан сотилаётган Акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нахда ва шартларда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.<br>**Акцияларни сотилишда қуйидагиларга риоя қилинади**:<br>(а) Агар акциядор (“Сотувчи”) ўзига тегишли Компания акцияларининг барчасини ёки бир қисмини сотишни истаса (“Сотув”), бундай акциялар (“Таклиф қилинган акциялар”) биринчи навбатда бошқа акциядорлар (“Олувчилар”)га таклиф қилинади. Таклиф қилинган акциялар Олувчиларга қилинган таклифи қилинган вақтида уларнинг Компаниядаги улушларига мутаносиб равишда (Сотувчининг Компаниядаги улушини ҳисобга олмаган холда белгиланади) таклиф қилинади. Бошқа акциядорларга қилинган таклифнинг нархи ва шартлари бир хил бўлиши лозим. Таклиф қилинган акцияларнини сотиш таклифлари бундай таклифлар | |

| | | |
|---|---|---|
| (в) Компания Акциядорлар умумий йиғилишининг 10-моддада кўрсатилган тартибда қабул қилинган тегишли қарори асосида қўшимча Акциялар чиқаришга хақли. Агар барча акциядорлар бошқача келишиб олмаган бўлса, қўшимча чиқарилган акциялар хар бир акциядорга унга тегишли Акциялар миқдорига мутаносиб равишда ушбу Уставни 8-моддасига мувофиқ таклиф қилинади.<br>**5.4. Акциядорлар реестри.**<br>Акциядорлар реестри Компания и Қимматли қоғозлар марказий депозитарий ўртасида тузилган шартнома асосида Қимматли қоғозлар марказий депозитарий томонидан шакллантирилади.<br>Акциядорлар реестри Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда, акциялар эгаларининг инвестиция воситачисидаги депо ҳисобварақлари ҳолатига кўра шаклллантирилади. | қилинган кунда бошлаб 30 (ўттиз) кун давомида кучда бўлиши (очиқ қолиши) керак.<br>(б) агар Олучилардан биронтаси бундай таклифни тўлиқ ёки қисман рад этса (“Рад этган олувчи”), Сотувчи олинмаган акцияларни қолган Олувчиларга уларнинг Компаниядаги улушларига мутаносиб равишда (Сотувчининг ҳамда ҳар қандай Рад этган Олувчиларнинг Компаниядаги улушларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланади) таклиф қилади. Агар бундай таклиф яна рад этилса ёки мазкур 5-модданинг ушбу қисми (а)-бандида кўрсатилган 30 кунлик муддат тугагач, Таклиф қилинган акциялар (ёки уларнинг қисми) бошқа акциядорлар томонидан сотиб олинмаса (“Олинмаган акциялар”), Сотувчи олинмаган акцияларни Компанияга таклиф қилади ва бундай таклиф ўттиз (30) кун давомида кучида бўлиши (очиқ қолиши) керак.<br>(в) агар Компания мазкур 5-модданинг ушбу қисми (б)-бандида кўрсатилган муддат ичида Олинмаган акцияларни олиш истагини билдирмаса, Сотувчи ушбу Олинмаган акцияларни ҳар қандай бошқа шахсга бундай акциялар аввал Олувчиларга ва Компанияга таклиф қилинган нарх ва шартлар асосида сотиши мумкин.<br>(г) агар таклиф қилинган акциялар хеч қандай учинчи шахс томонидан Олувчиларга ва Компанияга таклиф қилинган нарх ва шартлар асосида олинмаса, бундай акциялар нархини ва сотиш шатрларини мазкур 5-модданинг ушбу қисми (а) ва (б)-бандларда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда ўзгартириши мумкин.<br>**Мажбуриятларни таъминлаш.**<br>Хеч бир акциядор бошқа акциядорларнинг олдиндан берган ёзма розилигисиз ҳуқуқи ёки улушини гаровга қўйиш, ипотекага бериш, ишончли бошқарувга топшириш, ўтказиш йўли билан ёки бошқа | |

| | | |
|---|---|---|
| | ҳаракатлар билан мажбуриятни таъминлай олмайди (“Мажбуриятларни таъминлаш”).<br>Ушбу 5-модданинг Кириш ҳужжатларига бағишланган қисми талаблари бажарилиши шарти билан, ҳар бир акциядор, бошқа акциядорларга хабар йўллаб, ўзларининг тегишли акцияларини тўлиқ ёки бир қисмини ўз шўъба корхоналарига сотиши мумкин. Ушбу модда мақсадлари учун, “Шўъба корхона” шундай шахски, унинг устав фондининг эллик фоизидан (50%) ортиғи, бевосита ёки билвосита, асосий шахсга тегишлидир ёхуд бундай шахс бошқача тарзда хақиқатан бошқаради.<br>**Кириш ҳужжатлари.**<br>Агар қабул қилаётган шахс акцияларни сотаётган ёки мажбуриятни таъминлаётган акциядорнинг ушбу устав ва акциядорларнинг шартномасида белгиланган мажбуриятларига риоя қилиш ва уларни бажаришга ўз розилигини билдириш учун қолган акциядорларга маъқул шаклда ва улар фойдасига тегишли хужжатларни имзоламас экан, хеч бир сотув ёки мажбуриятларни таъминлаш (мажбуриятларни таъминлаш бўйича амалга оширганлар ҳам шу жумладан) ҳақиқий ҳисобланмайди. | |
| **Эски таҳрирда Компания акциядорлари ҳуқуқлари 5-модданинг бир қисми сифатида баён этилган.** | **6-МОДДА. КОМПАНИЯ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ.**<br>**Акциядорлар ҳуқуқлари**:<br>(а) акциядорлар реестрига киритиш;<br>(б) депо ҳисобварағидан ўзига таалуқли кўчирма олиш;<br>(в) Компания фойдасининг бир қисми 7-моддага мувофиқ эълон қилинадиган дивидендлар кўринишида олиш;<br>(г) ўзи эгалик қилаётган Акциялар миқдорига мутаносиб равишда, Компания тугатилиши билан қарзлари ва мажбуриятлари бўйича кредиторлар | Акциядорлар ҳуқуқлари масаласининг ўта мухимлигини инобатга олиб янги таҳрирдаги Уставда акциядорлар ҳуқуқларига алоҳида модда ажратилган. Унда Ўзбекистоннинг замонивий акциядорлик қонунчилигинng қоидалари тўла акс эттирилган. (ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 26-моддаси) |

| | | |
|---|---|---|
| | талаблари қондирилгандан сўнг, қолган Компания мол-мулкларидан улуш олиш;<br>(д) Компания бошқарувида қатнашиш, жумладан, Акциядорлар умуми йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш;<br>(е) Компаниядан унинг йиллик баланси хамда фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи нусхасини, шунингдек мунтазам равишда, Компания фаолияти тўғрисида тўлик ва ишончли маълумотларни олиш;<br>(ж) олган дивидендларини эркин тасарруф этиш;<br>(з) қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;<br>(и) ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларга бирлашиш;<br>(к) Акциядорлар шартномасида белгиланган акцияларни ўтказишга оид шартларни бажарган холда ва ушбу Уставнинг 8-моддасига мувофиқ ўз акцияларини сотиш ва бошқа йўллар билан ўтказиш;<br>(л) Кузатув кенгаши аъзолигига ушбу уставда кўрсатилган усулда номзодларни таинлаш;<br>(м) ушбу устав ва акциядорлар шартномаси билан бегиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;<br>(н) бошқа акциядорлар томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, ўзига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда имтиёзли тарзда сотиб олиш;<br>(о) Компания чиқарадиган акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли акциялар миқдодрига мутаносиб миқдорида имтиёзли сотиб олиш. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий | Эски таҳрирдаги дивидендларга бағишланган 7-модда янги таҳрирда 8-рақамли моддага ўзгартирилган. |

| | | |
|---|---|---|
| | қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга;<br>(п) ўзига етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;<br>(р) қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш; ва<br>(с) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш, акциядорлар Компания махсулотлари ва хизматларини олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланишдан воз кечиш бундан мустасно. | |
| **6-модда. Компаниянинг бошқа фондлари**<br>**6.1. Заҳира фонди ва бошқа фондлар.**<br>(а) Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кўрилган зарарни қоплаш, корпоратив облигацияларни муомиладан чиқариш, Ўзбекистон Республкаси қонунчилигига мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига мувофиқ акцияларни сотиб олиш учун мўлжанланган, Компания Устав фондининг ўн беш фоизига тенг бўлган миқдорда Компания захира фонда (“Захира фонди”) тузилади.<br>(б) Компаниянинг Захира фонди ушбу Уставнинг 6.1.(а)-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар хар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.<br>(в) Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ҳамда Компания фаолияти муваффақиятли олиб борилиши учун керакли ва матлуб бўлган бошқа хар қандай фондларни ташкил қилади. | **7-МОДДА. КОМПАНИЯ БОШҚА ФОНДЛАРИ.**<br>Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, кўрилган зарарни қоплаш, корпоратив облигацияларни муомиладан чиқариш, Ўзбекистон Республкаси қонунчилигига мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига мувофиқ акцияларни сотиб олиш учун мўлжанланган, Компания Устав фондининг ўн беш фоизига тенг бўлган миқдорда Компания Захира фонда тузилади.<br>Компания Захира фонди ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган миқдорга етгунига қадар хар йили соф фойдадан мажбурий ажратмалар ўтказиш орқали ташкил этилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.<br>Кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, ҳамда Компания фаолияти муваффақиятли олиб борилиши учун керакли ва матлуб бўлган бошқа хар қандай фондларни ташкил қилади. | Эски таҳрирдаги Уставнинг 6-моддасидаги Компаниянинг бошқа фондларига оид қоидалар янги таҳрирдаги Уставнинг ушбу моддасида деярли ўзгартиришсиз қолдирилган. |

| | | |
|---|---|---|
| **6.2. Ажратмалар ва ишлатиш.**<br>Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ҳамда ушбу устав талабларига риоя қилган ҳолда, Кузатув кенгаши ўз ихтиёрига кўра Компания фондларига ўтказиладиган ажратмалар ёки улардан олинадиган маблағлар миқдорини, йўлини ва вақтини белгилайди.<br>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига муносиб равишда, Компаниянинг Захира фонда ёки бошқа фондларини ишлатиш тизими, мақсади, манбаси ҳамда тартиби Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.<br>**6.3. Зарарларни қоплаш.**<br>Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компания кўрган зарарлар Захида фонди ҳисобига қопланади, Захира фонди маблағлари етмаган холда қўшимча маблағ Компания зарарларини қоплаш мақсадида ташкил этилган бошқа фондлардан олинади. Агар ушбу маблағлар ҳам етарли бўлмаса, Компания Кузатув кенгашининг 11.10-бандга мувофиқ қабул қилган қарори ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 10.9-бандга мувофиқ қабул қилган қарорига асосан қарз олиши ёки Акциядорлар томонидан уларнинг Компаниядаги мавжуд улушларига мутаносиб равишда қўшимча бадаллар киритишини ташкил қилиши мумкин. | Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ҳамда ушбу устав талабларига риоя қилган ҳолда, Кузатув кенгаши ўз ихтиёрига кўра Компания фондларига ўтказиладиган ажратмалар ёки улардан олинадиган маблағлар миқдорини, йўлини ва вақтини белгилайди.<br>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига муносиб равишда, Компаниянинг Захира фонда ёки бошқа фондларини ишлатиш тизими, мақсади, манбаси ҳамда тартиби Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.<br>Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Компания кўрган зарарлар Захида фонди ҳисобига қопланади, Захира фонди маблағлари етмаган холда қўшимча маблағ Компания зарарларини қоплаш мақсадида ташкил этилган бошқа фондлардан олинади. Агар ушбу маблағлар ҳам етарли бўлмаса, Компания Кузатув кенгаши қабул қилган қарори ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилган қарорига асосан қарз олиши ёки акциядорлар томонидан уларнинг Компаниядаги мавжуд улушларига мутаносиб равишда қўшимча бадаллар киритишини ташкил қилиши мумкин. | |
| **7-модда. Дивидендлар.**<br>**7.1. Дивидендлар.**<br>Компания тасарруфида қолган соф фойда, ва (ёки) ўтган йилларда тақсимланмаган Компания фойдаси ҳисобидан Компания акциядорларига дивидендлар тўланиши мумкин. Дивидендлар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ушбу уставнинг 20-моддаси қоидаларига мувофиқ эълон қилинади ва | **8-МОДДА. ДИВИДЕНДЛАР.**<br>Компания тасарруфида қолган соф фойда, ва (ёки) ўтган йилларда тақсимланмаган Компания фойдаси ҳисобидан Компания акциядорларига дивидендлар тўланиши мумкин. Дивидендлар Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ушбу уставнинг 10-моддаси қоидаларига мувофиқ эълон қилинади ва Акциядорларнинг Компания устав фондидаги улушига мутаносиб равишда тўланади. | Эски таҳрирдаги Уставнинг 7-моддасидаги дивидендларга оид қоидалар янги таҳрирдаги Уставнинг ушбу моддасида деярли ўзгартиришсиз қолдирилган. |

| | | |
|---|---|---|
| Акциядорларнинг Компания устав фондидаги улушига мутаносиб равишда тўланади.<br>Бунда Компания томонидан қайтиб сотиб олинган ёки ҳақи тўлиқ тўланмаган акциялар бўйича дивидендлар тўланмайди.<br>**7.2. Дивидендлар тўлаш муддати.**<br>Дивидедларни тўлаш тўғрисидаги қарор маскур уставнинг 10-моддасига мувофиқ ўтказиладиган йиллик Акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинади. Ушбу акциядорлар умумий йиғилишида дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб олтмиш (60) кундан кечикмасдан тўланиши кераклиги шартини инобатга олган ҳолда дивидендлар тўлаш тартиби ва шартлари белгиланади.<br>Акциядорлар умумий йиғилиши молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда Акциядорларга уларга тегишли акциялар миқдорида мутаносиб дивидендлар тўлашга рухсат берилади; шу шарт биланки:<br>(а) дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан ошиб кетмаслиги керак;<br>(б) қуйидаги ҳолатларда акциядорлар йиғилиши дивидендлар тўловини эълон қилишга хақли эмас:<br>- дивидендлар тўлаш пайтида Компания тўлов қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари мавжуд бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Компанияда шундай белгилар пайдо бўлиши мумкин бўлса;ёки<br>- Компания соф активлари қиймати Устав ва Захира фондлари суммасидан кам бўлса.<br>**7.3. Тўлов тартиби.**<br>Дивидендлар Мэйбанкга эркин алмаштириладиган валютада, ЎЗМИЛЛИЙБАНК ва “O’zbek-O’man Investitsiya Kompaniyasi” МЧЖга эса Ўзбекистон | Бунда Компания томонидан қайтиб сотиб олинган ёки ҳақи тўлиқ тўланмаган акциялар бўйича дивидендлар тўланмайди.<br>Дивидедларни тўлаш тўғрисидаги қарор маскур уставнинг 10-моддасига мувофиқ ўтказиладиган йиллик Акциядорлар йиғилиши томонидан қабул қилинади. Ушбу акциядорлар умумий йиғилишида дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кундан кечикмасдан тўланиши кераклиги шартини инобатга олган ҳолда дивидендлар тўлаш тартиби ва шартлари белгиланади.<br>Акциядорлар умумий йиғилиши молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда Акциядорларга уларга тегишли акциялар миқдорида мутаносиб дивидендлар тўлашга рухсат берилади; шу шарт биланки:<br>(а) дивидендлар миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан ошиб кетмаслиги керак;<br>(б) қуйидаги ҳолатларда акциядорлар йиғилиши дивидендлар тўловини эълон қилишга хақли эмас:<br>- дивидендлар тўлаш пайтида Компания тўлов қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари мавжуд бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Компанияда шундай белгилар пайдо бўлиши мумкин бўлса;ёки<br>- Компания соф активлари қиймати Устав ва Захира фондлари суммасидан кам бўлса.<br>Дивидендлар Мэйбанкга эркин алмаштириладиган валютада, ЎЗМИЛЛИЙБАНК ва ЎзУммонга эса Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан рухсат этилган хар қандай валютада тўланади. Дивидендлар ўрнатилган тартибда пул, чек, касса чеки, почта ёки банк орқали Акциядор тақдим этган банк | |

| | | |
|---|---|---|
| Республикаси қонунчилиги билан рухсат этилган хар қандай валютада тўланади. Дивидендлар ўрнатилган тартибда пул, чек, касса чеки, почта ёки банк орқали Акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиш шаклида бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида аниқ талаб этилган ҳоллардан ташқари, тўланмаган дивидендлар юзасидан хеч қандай фоиз тўланмайди ёки тўпланмайди.<br><br>**8-модда. Компания акцияларини жойлаштириш, сотиш ва мажбуриятларнинг таъминланиши.**<br>**8.1. Акцияларнинг жойлаштириш тартиби ва шартлари.**<br>(а) Компания ўзи чиқараётган акцияларни ёпиқ усулида жойлаштирилади.<br>(б) Компания очиқ обуна воситасида акцияларни жойлаштиришга ёки уларни чекланмаган доирадаги шахсларга сотиб олиш учун бошқача тарзда таклиф этишга хақли эмас.<br>(в) Компания томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.<br>(г) Компаниянинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловларнинг бошқа воситалари, мол-мулк, технологик асбоб ускуналар, технологиялар, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладн ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.<br>(д) Акциядорлар Компания томонидан қўшимча чиқарилган акцияларни жойлаштиришда қонунчиликда кўрсатилган муддатлар ичида уларни имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Бундай имтиёзли ҳуқуқ амалга оширилган тақдирда, Акциядорлар ўзига | ҳисобварағига ўтказиш шаклида бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида аниқ талаб этилган ҳоллардан ташқари, тўланмаган дивидендлар юзасидан хеч қандай фоиз тўланмайди ёки тўпланмайди.<br><br>**Эски таҳрирдаги Компания акцияларини жойлаштири, сотиш ва мажбуриятларнинг таъминланишига бағишланган 8-модда қоидалари янги таҳрирдаги 5-моддага киритилган.** | |

| | | |
|---|---|---|
| тегишли бўлган акциялар сонига мутаносиб равишда жойлаштирилаётган акцияларнинг фақат бутун миқдорини олиши мумкин.<br>(е) Компания акциядорлари Компаниянинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларини учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга. Акциядорлар ушбу имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланмаганларида ўзларига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда Компания акциядори томонидан сотилаётган Акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нахда ва шартларда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади.<br>**8.2. Акцияларнинг сотилиши.**<br>(а) Агар акциядор ("Сотувчи") ўзига тегишли Компания акцияларининг барчасини ёки бир қисмини сотишни истаса ("Сотув"), бундай акциялар ("Таклиф қилинган акциялар") биринчи навбатда бошқа акциядорларга таклиф қилинади ("Олувчилар"). Таклиф қилинган акциялар Олувчиларга қилинган таклифи қилинган вақтида уларнинг Компаниядаги улушларига мутаносиб равишда (Сотувчининг Компаниядаги улушини ҳисобга олмаган холда белгиланади) таклиф қилинади. Бошқа акциядорларга қилинган таклифнинг нархи ва шартлари бир хил бўлиши лозим. Таклиф қилинган акцияларнини сотиш таклифлари бундай таклифлар қилинган кунда бошлаб ўттиз (30) кун давомида кучда бўлиши (очиқ қолиши) керак.<br>(б) агар Олучилардан биронтаси бундай таклифни тўлиқ ёки қисман рад этса ("Рад этган олувчи"), Сотувчи олинмаган акцияларни қолган Олувчиларга уларнинг Компаниядаги улушларига мутаносиб равишда (Сотувчининг ҳамда ҳар қандай Рад этган Олувчиларнинг Компаниядаги улушларини ҳисобга олмаган ҳолда белгиланади) таклиф қилади. Агар бундай таклиф яна рад этилса ёки 8.2.(а)-бандида | | |

| | | |
|---|---|---|
| кўрсатилган муддат тугагач, Таклиф қилинган акциялар (ёки уларнинг қисми) бошқа акциядорлар томонидан сотиб олинмаса (“Олинмаган акциялар”), Сотувчи олинмаган акцияларни Компанияга таклиф қилади ва бундай таклиф ўттиз (30) кун давомида кучида бўлиши (очиқ қолиши) керак.<br>(в) агар Компания 8.2.(в)-бандда кўрсатилган муддат ичида Олинмаган акцияларни олиш истагини билдирмаса, Сотувчи ушбу Олинмаган акцияларни ҳар қандай бошқа шахсга бундай акциялар аввал Олувчиларга ва Компанияга таклиф қилинган нарх ва шартлар асосида сотиши мумкин.<br>(г) агар таклиф қилинган акциялар хеч қандай учинчи шахс томонидан Олувчиларга ва Компанияга таклиф қилинган нарх ва шартлар асосида олинмаса, бундай акциялар нархини ва сотиш шатрларини 8.2. (а) ва 8.2. (б)-бандларда белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда ўзгартириши мумкин.<br>**8.3. Мажбуриятларни таъминлаш.**<br>Қуйидаги 8.3.(а) ва 8.3.(б)-бандларда рухсат этилган ҳоллардан ташқари, хеч бир акциядор бошқа акциядорларнинг олдиндан берган ёзма розилигисиз ҳуқуқи ёки улушини гаровга қўйиш, ипотекага бериш, ишончли бошқарувга топшириш, ўтказиш йўли билан ёки бошқа ҳаракатлар билан мажбуриятни таъминлай олмайди (“Мажбуриятларни таъминлаш”).<br>8.4.-банд талаблари бажарилиши шарти билан, Акциядор томонидан амалга ошириладиган Сотув ва Мажбуриятларни таъминлаш учун бошқа Акциядорларнинг розилиги талаб қилинмайди:<br>(а) ЎЗМИЛЛИЙБАНКдан ташқари ҳар бир акциядор, бошқа акциядорларга Билдириш йўллаб, ўзларининг тегишли акцияларини тўлиқ ёки бир қисмини ўз шўъба корхоналарига сотиши мумкин. Ушбу 8.3.-банд мақсадлари учун, “Шўъба корхона” шундай шахски, унинг устав фондининг эллик фоизидан | | |

| | | |
|---|---|---|
| (50%) ортиғи, бевосита ёки билвосита, асосий шахсга тегишлидир ёхуд бундай шахс бошқача тарзда хақиқатан бошқаради.<br>(б) ЎЗМИЛЛИЙБАНК, бошка акциядоралга билдириш юбориш билан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ёзма кўрсатмаси асосида, ўзига тегишли Акцияларни тўлиқ ёки қисман ўзининг бир ёки бир нечта шўъба корхоналарига сотиши мумкин.<br>**8.4. Кириш ҳужжатлари.**<br>Агар қабул қилаётган шахс Акцияларни сотаётган ёки мажбуриятни таъминлаётган акциядорнинг ушбу устав ва акциядорларнинг шартномасида белгиланган мажбуриятларига риоя қилиш ва уларни бажаришга ўз розилигини билдириш учун қолган Акциядорларга маъқул шаклда ва улар фойдасига тегишли ҳужжатларни имзоламас экан, хеч бир сотув ёки мажбуриятларни таъминлаш (8.3. (а) ва 8.3.(б) Қисмларга мувофиқ амалга оширганлар ҳам шу жумладан) ҳақиқий ҳисобланмайди.<br>**8.5. Ҳуқуқларни ўтиши.**<br>Агар акциядорлардан бири ўзига тегишли барча Акцияларига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини ушбу 8-моддага мувофиқ Сотиш йўли билан бошқа шахсга ўтказса, бундай шахс ўтказаётган акциядорнинг ушбу Уставга мувофиқ берилган Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси аъзолигига ҳамда Бош директор лавозимига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқини олади. | | |
| **9-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи.**<br>**9.1. Ҳисобот тамойиллари.**<br>Компания умум қабул қилиган ҳисобот тамойиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ равишда ўз ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ва АҚШ долларида | **9-МОДДА. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТ.**<br>Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритади ва молиявий ҳисобот тақдим этади. Компания ўз ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси | Уставнинг янги таҳриридаги 9-модда Уставнинг эски таҳриридаги мазкур модданинг мазмуни сақланган ҳолда ўқиш учун қулай усулда баён этилган. |

| | | |
|---|---|---|
| ёхуд Акциядорларга қулай исталган бошқа валютада олиб боради.<br>**9.2. Молиявий маълумотлар. Аудит текширувлари.**<br>Компанияга тегишли билдириш юбориш шарт билан, ҳар бир Акциядор Компания фаолиятининг барча йўналишлари, молиявий операциялари, ҳисоботлари, бюджет ва балансига таалуқли бўлган маълумотлар билан танишиш ва тўсиқсиз олиш ҳуқуқига эгадир. Жамият ижроия органи юқорида санаб ўтилган маълумотларни Акциядорларга етказиш учун жавобгар бўлади. Хар бир Акциядор ўз ҳисобига, Компания ва бошқа Акциядорларга етти (7) кун аввал ёзма билдириш йўллаш шарти билан, Компания фаолиятини ўзи тайинлаган мустақил профессионал аудитор томонидан тафтиш қилдириш ҳуқуқига эга.<br>**9.3. Йиллик ҳисобот: бюджет ва якуний ҳисоботлар.**<br>Компания қуйидагиларни тайёрлайди:<br>(а) ҳар йилнинг 01 декабрга қадар келгуси молиявий йил учун ойми-ой бўлинган Компаниянинг батафсил оператив бюджет лойиҳаси (жумладан, мўлжанланган киримлар асосий моддалари ҳамда асосий чиқимлар) ҳамда Компаниянинг келгуси молиявий якунида режалаштирилган аҳволи кўрсатилган баланси билан биргаликда келтирилган пул харакати башорати (“Йиллик бюджет”); ва<br>(б) ўз молиявий фаолияти юзасидан ҳисоб-китоб баланси, пул харакати тўғрисида ҳисобот, фойда ва зиёнлар ҳисоби, аудиторлик хулосаси ва қонунчилдик билан белгиланган бошқа маълумотларни ўз ичига олган йиллик ҳисобот (“Йиллик якуний ҳисобот”).<br>Йиллик бюджет ҳамда Йиллик якуний ҳисобот Компания ижроия органи томонидан тайёрланади, Тафтиш комиссияси томонидан батафсил текширилади, тасдиқланади ва Кузатув кенгашига | миллий валютасида ва АҚШ долларида ёхуд акциядорларга қулай бошқа валютада олиб боради.<br>Компанияга тегишли хабарнома юбориш шарт билан, ҳар бир Акциядор Компания фаолиятининг барча йўналишлари, молиявий операциялари, ҳисоботлари, бюджет ва балансига таалуқли бўлган маълумотлар билан танишиш ва уларни тўсиқсиз олиш ҳуқуқига эгадир. Жамият ижроия органи юқорида санаб ўтилган маълумотларни акциядорларга етказиш учун жавобгар бўлади. Хар бир Акциядор ўз ҳисобига, Компания ва бошқа Акциядорларга 7 (етти) кун аввал ёзма хабарнома йўллаш шарти билан, Компания фаолиятини ўзи тайинлаган мустақил профессионал аудитор томонидан тафтиш қилдириш ҳуқуқига эга.<br>Компания қуйидагиларни тайёрлайди:<br>(а) ҳар йилнинг 01 декабрга қадар келгуси молиявий йил учун ойми-ой бўлинган Компаниянинг батафсил оператив бюджет лойиҳаси (жумладан, мўлжанланган кирилмлар асосий моддалари ҳамда асосий чиқимлар) ҳамда Компаниянинг келгуси молиявий якунида режалаштирилган холати кўрсатилган баланси билан биргаликда келтирилган пул харакати прогнози (“Йиллик бюджет”); ва<br>(б) ўз молиявий фаолияти юзасидан ҳисоб-китоб баланси, пул харакати тўғрисида ҳисобот, фойда ва зиёнлар ҳисоби, аудиторлик хулосаси ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотларни ўз ичига олган йиллик ҳисобот (“Йиллик якуний ҳисобот”).<br>Йиллик бюджет ҳамда Йиллик якуний ҳисобот Компания ижроия органи томонидан тайёрланади, Тафтиш комиссияси томонидан батафсил текширилади, тасдиқланади ва Кузатув кенгашига куриб чиқиш учун тақдим этилади. Йиллик якуний ҳисобот Акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилади. | |

| | | |
|---|---|---|
| куриб чиқиш учун тақдим этилади. Йиллик якуний ҳисобот Акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилади.<br>Компания Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувоқиф ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки хафта олдин эълон қилиниши шарт.<br>**9.4. Чорак ҳисоботлари.**<br>Компания хар бир чорак тугаши билан тўқсон (90) кун ичида Акциядорларга ўз молиявий фаолияти юзасидан тайёрланган чорак ҳисоботларни (“Чорак ҳисоботлари”) тақдим этади, бундай ҳисоботлар умумқабул қилинган тамойилларга мувофиқ тайёрланган батафсил фойда ва зиёнлар ҳисоботи, ҳисоб-китоб балансиа ва пул харакатлари тўғрисида ҳисоботни, сотувлар ва бошқа даромадлар таҳлили, шунингдек тегишли чорак учун капитал бюджетни, ва (агар Кузатув кенгаши томонидан талаб қилинса) бундай чоракда ишлатиладиган маблағлар манбаи ҳамда қўлланиши тўғрисида ҳисоботни ўз ичига олади. Чорак ҳисоботи Компания ижроия органи томонидан тайёрланади, Тафтиш комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва Кузатув кенгашига тақдим этилади.<br>**9.5. Мустақил аудиторлар.**<br>Акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаши шарти билан, Компания ўз ҳисобига Йиллик якуний ҳисоботда берилган молиявий ва ҳисоб-китоб маълумотларни ҳамда хулосаларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун халқаро даражада тан олинган бухгалтерлик (аудиторлик) фирмасини мустақил аудитор сифатида ёллайди.<br>**9.6. Молиявий йил.** | Компания Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувоқиф ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки хафта олдин эълон қилиниши шарт.<br>Компания хар бир чорак тугаши билан 45 (қирқ беш) кун ичида Акциядорларга ўз молиявий фаолияти юзасидан тайёрланган чорак ҳисоботларни тақдим этади, бундай ҳисоботлар умумқабул қилинган тамойилларга мувофиқ тайёрланган батафсил фойда ва зиёнлар ҳисоботи, ҳисоб-китоб баланси ва пул харакатлари тўғрисида ҳисоботни, сотувлар ва бошқа даромадлар таҳлили, шунингдек тегишли чорак учун капитал бюджетни, ва (агар Кузатув кенгаши томонидан талаб қилинса) бундай чоракда ишлатиладиган маблағлар манбаи ҳамда қўлланиши тўғрисида ҳисоботни ўз ичига олади. Чорак ҳисоботи Компания ижроия органи томонидан тайёрланади, Тафтиш комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва Кузатув кенгашига тақдим этилади.<br>Компаниянинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган халқаро даражада тан олинган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.<br>Компаниянинг молиявий йили 1 январдан 31 декабргача бўлган календар йили ҳисобланади. | Компания акциядори ЎзУммон Инвестиция компанияси таклифига кўра чорак ҳисоботларини тақдим этиш муддати 90 кундан 45 кунга қисқартирилди. |

| | | |
|---|---|---|
| Компаниянинг биринчи молиявий йили Компания Адлия вазирлигида рўйхатга олинган кундан бошлаб, шу йилнинг 31 декабр куни тугайди. Кейинчалик Компаниянинг молиявий йили 1 январдан 31 декабргача бўлган календар йили ҳисобланади.<br>**9.7. Тил.**<br>(а) Ушбу 9-моддада айтиб ўтилган барча ҳисоб-китоб маълумотлари ҳамда молиявий хужжатлар ўзбек, инглиз ёки рус тилларида (ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида бошқа тилда) тайёрланади.<br>(б) Агар бирон-бир ҳисобот, кундали ҳужжатлари ёки бошқа ёзувлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган тиллардан бошқа тилда тайёрланган бўлса, Компания бундай ҳисоботларни, кундалик ҳужжатларни ва бошқа ёзувларни етти кун ичида тўғри таржима қилинишини таъминлаши ва бундай таржималарни асл нусҳалар билан биргаликда белгиланган муддат давомида сақлаши лозим. | | |
| **10-модда. Акциядорлар умумий йиғилиши.**<br>**10.1. Акциядорлар умумий йиғилиши.**<br>Компания акциядорларининг умумий йиғилиши (“Акциядорлар умумий йиғилиши”) Компаниянинг энг олий бошқарув органи ҳисоблананиб, 10.9.-бандда кўрсатиб ўтилган масалаларни хал қилишга масъулдир.<br>**10.2. Умумий йиғилишни чақириш.**<br>Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш Кузатув кенгаши томонидан ташкиллаштирилади ва ушбу Устав ҳамда акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартибига мувофиқ ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши хар молия йил якунланганидан сунг олти (6) ойдан кечиктирилмаган ҳолда ўтказилиши керак. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Йиллик якуний ҳисобот, фойда ва | **10-МОДДА. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.**<br>Компания акциядорларининг умумий йиғилиши Компаниянинг юқори бошқарув органи бўлиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунчилиги асосида ва ушбу Устав қоидаларини инобатга олган ҳолда ташкил қилинади.<br>Компания акциядоларинг умумий йиғилиши йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлар шаклида ўтказилади. Йиллик умумий йиғилиш молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кечиктирмай ўтказилиб, унда Компания Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясини сайлаш, Бош директор билан тузилган мехнат шартноманинг муддатини узайтириш, Компания йиллик ҳисоботи, Бош директор ва Кузатув кенгашининг Компанияни | Ушбу модда қоидалари акциядорлар учун ўта муҳимлигини ва Уставнинг эски таҳрири тасдиқланиши пайтдан ҳозирги кунгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик қонунчилигига кўп сонли ўзгартишлар киритилганлигини инобатга олиб, Уставнинг янги таҳриридаги мазкур моддада эски таҳрирдаги 10-модданинг акциядорларнинг ҳуқуқларига оид муҳим қоидалари сақлаб қолинган ва бугунги куни қонунчилик талаблари ҳисобга олинган.<br><br>Мазкур модданинг янги тахририда замонавий Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган, қўлланиши мажбур бўлган ва бугунги кунга келиб ушбу соҳада барчага маълум бўлган |

| | | |
|---|---|---|
| зарарларни тақсимланиши ҳамда Акциядорлар Умумий йиғилиши ваколатига кирадиган бошқа масалаларни мухокама қилади. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бадалларни тўлаш бўйича мажбуриятларни бажарган ва акциядорларнинг жами камида беш фоизига (5%) эгалик қилувчи Акциядор(лар) томонидан, 13.7.-бандга мувофиқ Тафтиш комиссияси томонидан Кузатув кенгаши раисига йўлланган ёзма Билдиришга асосан ҳар қандай вақтда чақирилади. Акциядор(лар) ёки Тафтиш комиссиясидан шундай талаб тушганидан сўнг ўн (10) кун ичида Кузатув кенгаши раиси Акциядорларга йиғилиш ўтказиши ҳамда йиғилишнинг ўтказилиш жойи, куни ва соати белгиланган Билдиришни йўллайди.<br>**10.3. Билдириш, кун тартиби.**<br>Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, ҳамда Кузатув кенгаши белгилаган санага шакллантирилган Компания акциядорлари реестри асосида акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, Акциядорлар умумий йиғилиши куни шундай белгиланиши керакки, вақтида виза олиш ва йиғилиш ўтказиладиган жойга етиб келиш учун етарли вақт берилиши лозим. Акциядорлар йиғилиши тўғрисидаги ҳар бир Билдиришда бундай йиғилишда кўриб чиқиладиган ва овозга куйиладиган масалалар, Акциядорлар умумий йиғилиги ўтказиладиган жой, кун ва соат, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги | ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.<br>Компания акциядорларининг Йиллик умумий йиғилишдан ташқари барча йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланиб, у Кузатув кенгашининг ўз ташаббуси, Компания акцияларининг камида 5% (беш фоиз)га эгалик қиладиган акциядорлар ва Тафтиш комиссияси талабига кўра Кузатув кенгаши томонидан бундай талаб олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида чақирилади.<br>Компания акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 (йигирма бир) кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 (ўттиз) кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Мазкур хабарда йиғилишда кўриб чиқиладиган ва овозга куйиладиган масалалар, йиғилиш ўтказиладиган жой, кун ва соат, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан талаб этилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.<br>Компания акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1% (бир фоиз)га эгалик қилувчи акциядорлар Компаниянинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Компания Кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатишга ҳақли.<br>Агар Умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50% (эллик фоизи)дан кўпрок овозига эга бўлган | қоидалар чиқариб ташланган. (ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 58-73-моддалари). |

| | | |
|---|---|---|
| билан талаб этилган бошқа маълумотлар акс эттирилади.<br>Компания овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган Компания акциядор(лар)и Компания молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 90 кун ичида, акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масаллар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан таклифлар киритишга ҳамда Компания Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар бўйича уларни йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан таклифлар киритишга ҳақли.<br>Агар Акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказилиши Акциядор, Тафтиш комиссияиси томонидан талаб қилинган бўлса, бундай Акциядор, Тафтиш комиссияси Кузатув кенгаши раиси номига йўлланган талабнома билан биргаликда йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар тўғрисида маълумотларни юбориши зарур.<br>**10.4. Кворум.**<br>Агар Акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалган пайтда Компаниянинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан (50%) кўпрок овозига эга бўлган Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.<br>**10.5. Раис.**<br>Ҳар бир Акицядорлар умумий йиғилишининг раиси этиб Кузатув кенгаши Раиси тайинланади, ёки у иштирок этмаса, Акциядорларнинг кўпчилик овози билан тасдиқланган Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири йиғилиш раиси этиб тайинланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг раиси йиғилиш баённомасини олиб бориш ва қабул қилинган | Акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.<br>Компания акциядорларининг умумий йиғилиши Кузатув кенгаш раиси, у узирли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда акциядорларнинг кўпчилик овози билан тасдиқланган Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради. Умумий йиғилиш Раиси йиғилиш баённомасини олиб бориш ва қабул қилинган қарорларни ёзиб борилиши учун масъул ҳисобланади. Ҳар бир йиғилиш баённомаси Умумий йиғилиш Раиси ҳамда котиби томонидан имзоланади.<br>Компания акциядорлари ўзларининг ҳар битта акциялари учун битта овозга эга бўладилар. Компания акциядори Умумий йиғилишда бевосита ўзи қатнашиши ёки қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида ўз вакили орқали қатнашиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши мумкин. Умумий мажлисда Бош директор, унинг ўринбосарлари, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари қатнашишлари мумкин.<br>Умумий йиғилишда овоз бериш шакли ва матни Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган ва қонунчилик талабларига жавоб берадиган бюллетенлар орқали амалга оширилади.<br>Овозларни санаб чиқиш, Компания акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акцияларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, қонунчиликда белгиланган бошқа вазифаларни бажариш учун Умумий йиғилиш томонидан 3 (уч) кишидан иборат Саноқ комиссияси тузилади.<br>**Компания Акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатлари**: | |

| | | |
|---|---|---|
| қарорларни ёзиб борилиши учун масъул ҳисобланади. Ҳар бир йиғилиш баённомаси акциядорлар умумий йиғилиши раиси ҳамда котиби томонидан имзоланади.<br>**10.6. Овоз бериш.**<br>(а) Ушбу қоидаларга мувофиқ, ҳар бир акциядор шахсан ёки унинг вакили Акциядорлар реестрида унинг номи ёзилган ҳар бир Акция эвазига битта овозга эга бўлади.<br>(б) Ҳар бир акциядор битта ёки ундан кўп шахсларни унинг номидан Акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашишга ваколатлантиришга ҳақли (ҳар бири “Акциядор вакили”). Ҳар бир акциядор Акциядорлар умумий йиғилишида унинг манфаатларини англатиш учун ўз ёзма розилиги билан бошқа Акциядорларни (“Бошқа акциядор”) ўз Акциядор вакили сифатида тайинлаши мумкин. Агар акциядор вакили акциядор номидан иш олиб боришга унинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ваколатлантирилган бўлса, мазкур Акциядор вакили ўзининг тегишли лавозимга тайинланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг тасдиқланган нусҳасини тақдим этиши лозим. Агар акциядор акциядорлар умумий йиғилишига бир нечта вакилни ваколатлаган бўлса, Акциядор Компанияга ёзма равишда хар бир вакил нечта акция номидан вакиллик харакатларини амалга ошириш тўғрисида хабарнома юбориши керак, шунингдек, ушбу маълумот Акциядор вакилига берилган ишончномада акс эттирилиши лозим. Барча Акциядорлар вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида (“Ишончнома”) ваколантирилади.<br>(в) Акциядорлар Умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган ҳамда | (а) Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Уставни янги таҳрирда тасдиқлаш;<br>(б) Компанияни қайта ташкил этиш ва тугатиш, Тугатиш комиссиясини тайинлаш, Тугатиш комиссиясининг ҳуқуқларини ва унинг аъзолари оладиган ҳақ миқдорини белгилаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;<br>(в) Кузатув кенгаши аъзоларининг сон таркибини белгилаш, уларни тайинлаш ва ваколатини муддатдан аввал тугатиш;<br>(г) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;<br>(д) Устав фондини кўпайтириш;<br>(е) Устав фондини камайтириш;<br>(ж) ўз акцияларини олиш;<br>(з) корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш ва уларни қайтариб сотиб олиш;<br>(и) Бош директорни тайинлаш ёки ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;<br>(к) Бош директор ҳизматига тўланадиган ҳақларни тўлаш тартиби ва шартларини, агар мавжуд бўлса, белгилаш;<br>(л) Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, уларга тўланадиган хақ ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисида низомни тасдиқлаш;<br>(м) мустақил аудиторларни тайинлаш ва улар хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;<br>(н) Компания ҳамда унинг шўъба корхоналарининг йиллик фаолияти натижаларини, йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва | |

| | | |
|---|---|---|
| ўзига тегишли Акциялар қиймати тўлиқ тўланган Акциядорларгина Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиши мумкин.<br>(г) Бош директор, Кузатув кенгаши Раиси ва Тафтиш комиссияси Акциядорлар Умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.<br>Акциядорлар Умумий йиғилишида жамият акциядор(лар)и ишончли вакили сифатида иштирок этаётган Бош диреткор йиғилиш кун тартибида Бош директорни тайинлаш (сайлаш) масаласи бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.<br>**10.7. Қарор қабул қилиш тартиби.**<br>(а) 10.7(в)-бандда кўрсатилган масалалардан ташқари, Акциядлорлар умумий йиғилиши қарорлари йиғилишда шахсан ёки вакили орқали қатнашаётган ва овоз бериш ҳуқуқига эга Акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.<br>(б) 10.9 (а), (б), (г), (н), (т), (у)-бандларда айтиб ўтилган масалалар бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари йиғилишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали қатнашаётган овоз бериш ҳуқуқига эга акциядорлар тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.<br>(в) Акциядорлар умумий йиғилиши қарорлари овоз бериш натижаларига асосан қабул қилинади. Овоз бериш шакли ва матни Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетени мазмуни Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик талабларига жавоб бериши шарт.<br>**10.8. Саноқ комиссияси.**<br>Овозларни санаб чиқиш, Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш учун акцияларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини | зарарларини тақсимлаш, Кузатув кенгаши ҳисоботлари ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш, Йиллик якуний ҳисоботни тасдиқлаш, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиққан холда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;<br>(о) Кузатув кенгаши тавсия қилган миқдордан ошмаган миқдорда дивидендлар тақсимлаш ва тўлаш;<br>(п) Компания томонидан акцияларни ва акцияларга айрбошланадиган, хақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(р) Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартибини ва регламентини тасдиқлаш;<br>(с) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;<br>(т) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган холларда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(у) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган холларда Компания томонилан мол-мулкни сотиб олиши хамда тассаруфидан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(ф) акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;<br>(х) Акциядорлар томонидан киритилган қўшимча бадалларни ҳажми, шакли ва тартибинии белгилаш;<br>(ц) Компаниянинг жорий сиёсатида белгиланган миқдордан олиш кетган қарзлар суммаларини тасдиқлаш; | |

| | | |
|---|---|---|
| тарқатиш учун Компания Кузатув кенгаши томонидан Саноқ комиссияси тузилади.<br>Саноқ комиссиясининг аъзоларининг сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади, бу Саноқ комиссиясининг аъзолари сони уч кишидан кам бўлиши мумкин эмас.<br>Саноқ комиссияси таркибига Компания Кузатув кенгашининг аъзолари, Тафтиш комиссиясининг аъзолари, ижроия органи, шу билан бирга ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.<br>Саноқ комиссияси ваколатларига қуйидагилар киради:<br>- Акциядорлар умумий йиғилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлаш;<br>- Акциядорлар умумий йиғилишида акциядорлар (хамда уларнинг вакиллари) томонидан овоз бериш ҳуқуқларини рўёбга чиқариши муносабати билан юзага келадиган масалалар хусусида тушунтиришлар бериш;<br>- овоз беришга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтириш;<br>- овоз беришнинг белгиланган тартибига риоя қилишни ва Акциядорлар томонидан овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш;<br>- берилган овозларни санаш ва овоз бериш якунларини чиқариш;<br>- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузиш ва овоз бериш бюллетенларини архивга топшириш.<br>**10.9. Ваколатлар.**<br>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, ушбу Устав, жумладан 10.10-банд талабини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги масалалар Акциядорлар умумий йиғилиши ваколатига киради: | (ч) Компаниянинг қоида ва тартибларини белгиловчи бошқа хужжатларни ҳамда унинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;<br>(ш) қимматли қоғозлар хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(щ) Компания филиаллари ёки шўъба корхоналарини ташкил этилишини, қайта ташкил этилишини ёки тугатилишини тасдиқдаш; ва<br>(ы) Компаниянинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш; ва<br>(э) ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган бошқа масалалар.<br>Юқоридаги (а), (б), (г), (н), (т), (у)-бандларда келтирилган масалалар бўйича қарорлар йиғилишда қатнашаётган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади, бошқа масалалар бўйича қарорлар ушбу акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.<br>Қонунчиликга мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши тегишли қарор билан ўз ваколатларини Компания Кузатув кенгашига ўтказиши ва бундай ўтказишни бекор қилиши мумкин. Ўтказилган ваколатларни бекор қилиш ундан илгари шу тарзда ҳуқуқларни ўтказилиши асосида амалга оширилган ҳар қандай харакатни ҳақиқийлигига таъсир кўрсатмайди. | |

| | | |
|---|---|---|
| (а) Уставга киритилган ўзгартиришларни ёки ўзгартирилган ва янги таҳрирда қабул қилинган Уставни тасдиқлаш;<br>(б) Компания ҳар қандай ташкил этилиши ёхуд тугатилишини маъқуллаш, Тугатиш комиссиясини тайинлаш, ушбу Уставга мувофиқ унинг ҳуқуқларини ҳамда оладиган ҳақи миқдорини белгилаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;<br>(в) Кузатув кенгаши аъзоларининг миқдор таркибини белгилаш, уларни тайинлаш ва ваколатини муддатдан аввал тугатиш;<br>(г) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;<br>(д) Устав фондини кўпайтириш;<br>(е) Устав фондини камайтириш;<br>(ж) ўз акцияларини олиш;<br>(з) корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш ва уларни қайтариб сотиб олиш;<br>(и) Бош директорни тайинлаш ёки ишдан четлатиш;<br>(к) Бош директор ҳизматига тўланадиган ҳақларни тўлаш тартиби ва шартларини, агар мавжуд бўлса, белгилаш;<br>(л) Тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, уларга тўланадиган хақ ва компенсацияларнинг миқдорини белгилаш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисида низомни тасдиқлаш;<br>(м) мустақил аудиторларни тайинлаш ва улар хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш;<br>(н) Компания ҳамда унинг шўъба корхоналарининг йиллик фаолияти натижаларини, йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш, Кузатув кенгаши | | |

| | | |
|---|---|---|
| ҳисоботлари ва Тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш, Йиллик якуний ҳисоботни тасдиқлаш, шунингдек Компания фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиққан холда Компанияни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;<br>(о) Кузатув кенгаши тавсия қилган миқдордан ошмаган миқдорда дивидендлар тақсимлаш ва тўлаш;<br>(п) Компания томонидан акциялрани ва акцияларга айрбошланадиган, хақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда Акциядорларнинг имтиёзли олиш ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиш.<br>(р) Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тартибини ва регламентини тасдиқлаш;<br>(с) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;<br>(т) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган холларда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(у) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган холларда Компания томонилан мол-мулкни сотиб олиши хамда тассаруфидан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(ф) акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;<br>(х) Акциядорлар томонидан киритилган қўшимча бадалларни ҳажми, шакли ва тартибинии белгилаш;<br>(ц) Компаниянинг жорий сиёсатида белгиланган миқдордан олиш кетган қарзлар суммаларини тасдиқлаш;<br>(ч) Компаниянинг қоида ва тартибларини белгиловчи бошқа хужжатларни ҳамда унинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш; | | |

| | | |
|---|---|---|
| (ш) қимматли қоғозлар хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(щ) Компания филиаллари ёки шўъба корхоналарини ташкил этилишини, қайта ташкил этилишини ёки тугатилишини тасдиқдаш; ва<br>(ы) Компаниянинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниқлаш; ва<br>(э) ушбу устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган бошқа масалалар.<br>**10.10. Ҳуқуқларни ўтказиш.**<br>Ўзбекистон қонунчилигида рухсат этилган даражада, Акциядорлар умумий йиғилиши тегишли қарор билан, ўзининг қарор қилиш ваколатини Компания Кузатув кенгашига ўтказиши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишининг ушбу 10.10.-бандига мувофиқ қарор қабул қилиш ҳуқуқуларини ўтказиш Акциядорлар умимий йиғилишиниг тегишли қарори билан бекор қилиниши мумкин. Бунда бекор қилиш ундан илгари шу тарзда ҳуқуқларни ўтказилиши асосида амалга оширилган ҳар қандай харакатни ҳақиқийлигига таъсир кўрсатмайди.<br>**10.11. Акциядорларни рўйхатга олиш.**<br>Кузатув кенгаши томонидан белгиланган санага шакллантирилган Акциядорлар реестрига киритилган барча Акциядорларга, ушбу Акциядорлар умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида Билдириш юборилади.<br>Акциядорлар умумий йиғилииши ўтказиладиган расмий кундан камида уч иш куни аввал Акциядорлар реестрига киритилган Акциядорлар, Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишида.<br>Бундай холда, рўйхатга олиш куни юқорида кўрсатилгандек белгилангандан сўнг, Компания китоблари бўйича бирон-бир акцияларнинг ҳар қандай ўтказилишидан қатъий назар, белгиланган | | |

| | | |
|---|---|---|
| кунда рўйхатга олинган Акциядорларгина дивидендлар олиш ёки бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ёки бундай ҳуқуқлардан фойдаланиши ёхуд вазиятга қараб, бошқа мақсадларни амалга оширишга ҳақли бўладилар. | | |
| **11-модда. Кузатув кенгаши.**<br>**11.1. Кузатув кенгашининг Раиси.**<br>Компаниянинг Кузатув кунгаши ("Кузатув кегаши") Компания фаотиятига умумий рахбарликни амалга оширади. Кузатув кегаши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ёки ушбу Уставда белгиланмаган ёки Акциядорлар Умумий йиғилиши амалга ошириши ёки бажариши талаб қилинмаган тегишли қонуний ҳаракатлар ва ишларни амалга оширади. Кузатув кенгаши Акциядорлар олдида ўз харакатлари тўғрисида ҳисобот беради.<br>**11.2. Тайинлаш ва ваколатни тугатиш.**<br>(а) Компания Кузатув кенгаши миқдор таркиби беш (5) аъзодан иборат бўлади. ЎЗМИЛЛИЙБАНК Кузатув кенгашига иккитагача (2) номзод, Мэйбанк Кузатув кенгашига иккитагача (2), "O'zbek-O'mon Investitsiya Kompaniyasi" MChJ Кузатув кенгашига иккитагача (2) номзд кўрсатади.<br>(б) Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар 11.2.(а)-бандига мувофиқ кўрсатилиб, Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади ва Кузатув кенгаши аъзоси сифатида уч (3) йил давомида ҳизмат қилади. Кузатув кенгаши аъзолари чексиз марта қайтадан тайинланиши мумкин. Кузатув кенгаши аъзолари сайлови Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сони Компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни | **11-МОДДА. КУЗАТУВ КЕНГАШИ.**<br>Компания Кузатув кенгаши фаолияти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур Устав асосида ташкил этади ва амалга оширади.<br>Компаниянинг Кузатув кенгаши Компания фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчиликда ва ушбу Устав билан Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно. Кузатув кенгаши Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобдор.<br>Компания Кузатув кенгаши миқдор таркиби 5 (беш) аъзодан иборат. Кузатув кенгашига ЎЗМИЛЛИЙБАНК 2 (икки)тагача номзод, Мэйбанк 2 (икки)тагача номзод, ЎзУммон 2 (икки)тагача номзод кўрсатади.<br>Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан бошқа хол белгиланмаган бўлса, Кузатув кенгаши аъзолари шу сифатида Компанияга кўрсатган хизматлари учун ҳақ олмайдилар, бироқ Компания Кузатув кенгаши аъзоларига Кузатув кенгаши йиғилиишларида ёхуд Кузатув кенгашининг махсус комиссиялари йиғилишларида иштироқ этиш учун, ёки Компания фаолият кўрсатиш жараёнида юзага келган бошқа холатлар билан боғлиқ равишда улар сарфлаган йўл харажатлари, мехмонхонада туриш харажатлари ва бошқа харажатларини қоплайди.<br>Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгаши томонидан илгари номзоди ЎЗМИЛЛИЙБАНК томонидан кўрсатилган Кузатув кенгаши аъзолари ичидан сайланади. Кузатув кенгаши Раиси хал қилувчи овога | Ушбу модда қоидалари Кузатув Кенгаши фаолиятини ташкил қилиш жараёни учун муҳимлигини ва Уставнинг эски таҳрири тасдиқланиши пайтидан хозирги кунгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик қонунчилигига кўп сонли ўзгартишлар киритилганлигини инобатга олиб, Уставнинг янги таҳриридаги мазкур моддада эски таҳрирдаги 11-модданинг Кузатув Кенгашига оид муҳим қоидалари сақлаб қолинган ва бугунги куни қонунчилик талаблари ҳисобга олинган.<br><br>Мазкур модданинг янги тахририда замонавий Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган, қўлланиши мажбур бўлган ва бугунги кунга келиб ушбу соҳада барчага маълум бўлган қоидалар чиқариб ташланган. (ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 74-78-моддалари) |

| | | |
|---|---|---|
| икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.<br>(в) Тафтиш комиссияси аъзолари, Бош директор ва Бош директор ўринбосари ва Компанияда мехнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Кузатув кенгаши аъзоси бўла олмайди.<br>(г) Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши мумкин. Кузатув кенгашининг келгуси йиғилишидан аввал Акциядорлар бундай аъзонинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масалани Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўядилар.<br>**11.3. Тўловлар.**<br>Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан бошқа хол белгиланмаган бўлса, Кузатув кенгали аъзолари шу сифатида Компанияга кўрсатган хизматлари учун ҳақ олмайдилар, бироқ Компания Кузатув кенгаши аъзоларига Кузатув кенгаши йиғилиишларида ёхуд Кузатув кенгашининг махсус комиссиялари йиғилишларида иштироқ этиш учун, ёки Компания фаолият кўрсатиш жараёнида юзага келган бошқа холатлар билан боғлиқ равишда улар сарфлаган йўл харажатлари, мехмонхонада туриш харажатлари ва бошқа харажатларини қоплайди.<br>Компания Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган Акциядорларнинг бир овозда қабул қилинган қарори билан белгиланган миқдорда, Кузатув кенгаши аъзоларига хар йили тўланадиган мукофот тўғрисида Акциядорлар умумий йиғилиши қарорини қабул қилишга хақли.<br>**11.4. Кузатув кенгаши Раиси.**<br>Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгаши томонидан илгари номзоди ЎЗМИЛЛИЙБАНК томонидан кўрсатилган Кузатув кенгаши аъзолари ичидан сайланади. Кузатув кенгаши Раиси хал қилувчи овога эга бўлмайди. Кузатув кенгаши Раиси Кузатув | эга бўлмайди. Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгаши йиғилишларини чақириш, бундай йиғилишларда раислик қилиш, баённома олиб бориш хамда қарорларни ёзиб боришни ташкиллаштириш мажбуриятини олади. Агар Кузатув кенгаши Раиси йиғилишда иштирок этмаса, илгари ЎЗМИЛЛИЙБАНК томонидан номзоди кўрсатилган Кузатув кенгашининг иккинчи аъзоси бундай мажлисда раислик қилади.<br>Кузатув кенгаши навбатдаги мажлислари Ўзбекистон Республикасида ёки унинг ташқарисида Кузатув кенгаши Раиси белгиланган вақт, кун ва жойларда ҳар чорақда камида бир марта ва, агар талаб қилинса, ундан купроқ марта ўтказилади. Кузатув кенгашининг махсус йиғилишлари Кузатув кенгаши Раиси томонидан лозим деб топилганда, Компания овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб 1% (бир фоиз)дан кам бўлмаган улушига эгалик қилувчи акциядорлар томонидан ёки Кузатув кенгаши аъзоларидан бири, Тафтиш комиссияси, ташқи аудитор ва/ёки Бош директорнинг Кузатув кенгаши Раисига йўллаган ёзма талаби билан чақирилади. Бундай аъзодан тушган талаб олингандан сўнг 14 (ўн тўрт) кун ичида Раис Кузатув кенгаш аъзоларига йиғилиш Билдиришини юборилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ўтказилиши тўғрисида, ўтказилиш жойи, куни ва соати кўрсатилган хабар юборади.<br>Мажлислар Кузатув кенгаши аъзоларига йиғилиш тўғрисида хабар юборилган кундан кейин камида 10 (ўн) кун ўтиши билан ва 60 (олтмиш) кундан кечиктирилмаган холда ўтказилади, ва хар қандай холатда хам, вақтида виза олиш ва йиғилиш ўтказиладиган жойга етиб келиш учун етарли вақт бўлишини кўзда тутган холда ўтказилиши лозим. Кузатув кенгаши йиғилиши тўғрисидаги хар бир | |

| | | |
|---|---|---|
| кенгаши йиғилишларини чақириш, бундай йиғилишларда раислик қилиш, баённома олиб бориш хамда қарорларни ёзиб боришни ташкиллаштириш мажбуриятини олади. Агар Кузатув кенгаши Раиси йиғилишда иштирок этмаса, илгари ЎЗМИЛЛИЙБАНК томонидан номзоди кўрсатилган Кузатув кенгашининг иккинчи аъзоси бундай мажлисда раислик қилади.<br>**11.5. Мажлислар.**<br>Кузатув кенгаши навбатдаги мажлислари Ўзбекитсон Республикасида ёки унинг ташқарисида Кузатув кенгаши Раиси белгиланган вақт, кун ва жойларда ҳар чоракда камида бир марта ва, агар талаб қилинса, ундан купроқ марта ўтказилади. Кузатув кенгашининг махсус йиғилишлари Кузатув кенгаши Раиси томонидан лозим деб топилганда, Компания овоз берувчи акцияларининг хаммаси бўлиб бир фоиздан кам бўлмаган улушига эгалик қилувчи акциядор(лар)и томонидан ёки Кузатув кенгаши аъзоларидан бири, Тафтиш комиссияси, ташқи аудитор ва/ёки Бош директорнинг Кузатув кенгаши Раисига йўллаган ёзма талаби билан чақирилади. Бундай аъзодан тушган талаб олингандан сўнг ўн тўрт (14) кун ичида Раис Кузатув кенгаш аъзоларига йиғилиш Билдиришини юборилган кундан бошлаб ўн (10) кун ичида ўтказилиши тўғрисида, ўтказилиш жойи, куни ва соати кўрсатилган Билдириш юборади.<br>**11.6. Билдириш, кун тартиби.**<br>Мажлислар Кузатув кенгаши аъзоларига йиғилиш тўғрисида Билдириш юборилган кундан кейин камида ўн (10) кун ўтиши билан ва олтмиш (60) кундан кечиктирилмаган холда ўтказилади, ва хар қандай холатда хам, вақтида виза олиш ва йиғилиш ўтказиладиган жойга етиб келиш учун етарли вақт бўлишини кўзда тутган холда ўтказилиши лозим. Кузатув кенгаши йиғилиши тўғрисидаги хар бир | хабарда бундай йиғилиишда кўриб чиқиладиган ва овозга қўйиладиган масалалар акс эттирилиши лозим. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларига йиғилиш ўтказиладиган вақтдан камида 8 (сакки) кун илгари хабар юбориш билан бундай йиғилиш кун тартибига кўшимча масалалар киритиши мумкин. Агар йиғилиш Кузатув кенгашининг Раиси эмас, балки Кузатув кенгашининг бошқа аъзоси талаби билан ўтказилаётган бўлса, бундай аъзо йиғилиш ўтказилишини талаб қилиш билан биргаликда Кузатув кенгаши Раисини йиғилиш кун тартибига киритиладиган масала ёки масалалар билан таништириши лозим. Кузатув кенгаши аъзоси талаби билан, Кузатув кенгаши бир овоздан маъқуллаш билан йиғилишда кун тартибига киритилмаган масалани кўриб чиқиши мумкин.<br>Кузатув кенгашининг хар бир аъзоси йиғилиш бошида, йиғилиш давомида ёки ундан кейин ёзма равишда воз кечиш хужжатини йўллаш билан ҳар қандай йиғилишда қатнашишдан воз кечиши мумкин. Мажлисда қатнашиш, агар йиғилишни ташкил қилиш ва чақириш ишлари тўлақонли бажарилмаганлиги сабабли йиғилиш бошида ҳар қандай иш бўйича тузилган битимлар юзасидан эътироз билдириш мақсадида бўлмаган бўлса, йиғилиш тўғрисида Билдириш олишдан воз кечишликини билдиради.<br>Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг 75 (етмиш беш) фоизи Кузатув кенгаши кворумини ташкил этади. Бир овоздан қабул қилиниши лозим бўлган масалаларни кўриб чиқишда Кузатув кенгашининг барча аъзолари қатнашиши шарт.<br>Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овоз бериш ҳуқуқига эга. Ага Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқа чекловлар бўлмаса, Кузатув | |

| | | |
|---|---|---|
| билдиришда бундай йиғилиишда кўриб чиқиладиган ва овозга қўйиладиган масалалар акс эттирилиши лозим. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларига йиғилиш ўтказиладиган вақтдан камида сакки (8) кун илгари Билдириш юбориш билан бундай йиғилиш кун тартибига кўшимча масалалар киритиши мумкин. Агар йиғилиш Кузатув кенгашининг Раиси эмас, балки Кузатув кенгашининг бошқа аъзоси талаби билан ўтказилаётган бўлса, бундай аъзо йиғилиш ўтказилишини талаб қилиш билан биргаликда Кузатув кенгаши Раисини йиғилиш кун тартибига киритиладиган масала ёки масалалар билан таништириши лозим. Кузатув кенгаши аъзоси талаби билан, Кузатув кенгаши бир овоздан маъқуллаш билан йиғилишда кун тартибига киритилмаган масалани кўриб чиқиши мумкин.<br>**11.7. Билдиришдан воз кечиш.**<br>Кузатув кенгашининг хар бир аъзоси йиғилиш бошида, йиғилиш давомида ёки ундан кейин ёзма равишда воз кечиш хужжатини йўллаш билан ҳар қандай йиғилишда қатнашишдан воз кечиши мумкин. Мажлисда қатнашиш, агар йиғилишни ташкил қилиш ва чақириш ишлари тўлақонли бажарилмаганлиги сабабли йиғилиш бошида ҳар қандай иш бўйича тузилган битимлар юзасидан эътироз билдириш мақсадида бўлмаган бўлса, йиғилиш тўғрисида Билдириш олишдан воз кечишликини билдиради.<br>**11.8. Кворум**<br>Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш (75) фоизи Кузатув кенгаши йиғилишида қатнашаётган бўлса, кворум ташкил этилган ҳисобланади. Бир овоздан қабул қилиниши лозим бўлган масалаларни кўриб чиқишда Кузатув кенгашининг барча аъзолари қатнашиши шарт. | кенгаши аъзолари ёки унинг бошқа қўмиталари аъзолари Кузатув кенгаши йиғилишларида ёхуд унинг қўмиталари йиғилишларида телефон орқали ёки шунга ўхшаш коммуникация воситалари ёрдамида қатнашиши мумкин, шу шарт биланки, йиғилишда қатнашаётган барча шахслар бир-бирларини эшита олишлари керак, йиғилишда шундай йўл билан иштирок этиш мазкур йиғилишда шахсан қатнашиш бўлиб ҳисобланади.<br>Компания Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Компания кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан қабул қилиниши мумкин.<br>**Компания Кузатув кенгашининг ваколатлари**:<br>(а) Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган холда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;<br>(б) ушбу устав ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқача белгиланган холатлардан ташқари, Акциядорларнинг йиллик ҳамда навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш;<br>(в) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;<br>(г) Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш. Шунингдек, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;<br>(д) Компания мулкининг бозор нархини белгилашни ташкил этиш;<br>(е) Компания бошқарув органларининг фаолияти тартибини белгиловчи Компания ички ҳужжатларини тасдиқлаш; | |

| | | |
|---|---|---|
| **11.9. Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашиш.**<br>(а) Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овоз бериш ҳуқуқига эга.<br>(б) Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқа чекловлар бўлмаса, Кузатув кенгаши аъзолари ёки унинг бошқа қўмиталари аъзолари Кузатув кенгаши йиғилишларида ёхуд унинг қўмиталари йиғилишларида телефон орқали ёки шунга ўхшаш коммуникация воситалари ёрдамида қатнашиши мумкин, шу шарт биланки, йиғилишда қатнашаётган барча шахслар бир-бирларини эшита олишлари керак, йиғилишда шундай йўл билан иштирок этиш мазкур йиғилишда шахсан қатнашиш бўлиб ҳисобланади.<br>(в) Компания Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Компания кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан қабул қилиниши мумкин.<br>**11.10. Ваколатлар ва мажбуриятлар.**<br>Кузатув кенгаши Компания фаолияти ва ишга алоқадор бўлган барча масалаларни (Акциядорлар умуий йиғилиши ваколати бўлган ва 10.10-бандга мувофиқ Кузатув кенгаши ваколатига ўтказилмаган масалалардан ташқари) ҳал қилиш ҳуқуқига ва мажбуриятига эга бўлади, жумладан, чекланмаган холда, вазиятга қараб қуйидаги масалаларни белгилаш, бажариш ва олиб бориш:<br>(а) Компанияни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Компания ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган холда Компания фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;<br>(б) ушбу устав ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида бошқача белгиланган холатлардан | (ж) Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этиш учун Йиллик якуний ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ҳисоботларни кўриб чикиб, текшириш ва маъкуллаш;<br>(з) вақти-вақти билан шундай махсус лимитлар ўрнатадики, бундай лимитлар чегарасидан чиқиб кетган холларда барча ижара шартномалари, таклифлар ҳамда қарз олишлар Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши ва бир овоздан маъқулланиши лозим;<br>(и) Компаниянинг Захира фонди ва ҳар қандай бошқа фондларнинг тузилиши, мақсади, манбаи ва ишлатиш тартиблари, шунингдек, Захира фонди ва бошқа фондларга ўтказиладиган ҳар қандай чегирмалар ёҳуд олинадиган маблағлар миқдорини, йўлини ва вақтини бир овозда қабул қилинган қарор билан белгилаш;<br>(к) Бош директор ҳамда Бош директор ўринбосарлари фаолиятини назорат қилиш, жумаладан, Бош директор ҳисоботларини мунтазам равишда кўриб бориш ва уларни Компания олиб бораётган сиёсатига муносиб эканлигини таъминлаш;<br>(л) Акциядорлар умумий йиғилишига Тафтиш комиссияси аъзоларига ва ташқи аудитор ҳизматларига тўланадиган ҳақ юзасидан тавсиялар бериш;<br>(м) Компания молиявий маҳсулотларини бозорга чиқариш ҳамда товар ва ҳизматларни сотиб олиш сиёсати, режалари ва тартибларини белгилаш;<br>(н) бир овозда қабул қилинган қарор асосида оралиқ дивидендларни эълон қилиш бўйича ҳамда йиллик дивидендлар тўлови ва тақсимоти юзасидан Акциядорлар умумий йиғилишига тавсиялар бериш;<br>(о) Компания бизнесининг оддий йўналишидан ташқари, Компания томонидан активларни сотиб олиши ёки сотиш; | |

| | | |
|---|---|---|
| ташқари, Акциядорларнинг йиллик ҳамда навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш;<br>(в) Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;<br>(г) Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санани белгилаш. Шунингдек, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Компания акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;<br>(д) Компания мулкининг бозор нархини белгилашни ташкил этиш;<br>(е) Компания бошқарув органларининг фаолияти тартибини белгиловчи Компания ички ҳужжатларини тасдиқлаш;<br>(ж) Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этиш учун Йиллик якуний ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ҳисоботларни кўриб чикиб, текшириш ва маъқуллаш;<br>(з) вақти-вақти билан шундай махсус лимитлар ўрнатадики, бундай лимитлар чегарасидан чиқиб кетган холларда барча ижара шартномалари, таклифлар ҳамда қарз олишлар Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилиши ва бир овоздан маъқулланиши лозим;<br>(и) Компаниянинг Захира фонди ва ҳар қандай бошқа фондларнинг тузилиши, мақсади, манбаи ва ишлатиш тартиблари, шунингдек, Захира фонди ва бошқа фондларга ўтказиладиган ҳар қандай чегирмалар ёҳуд олинадиган маблағлар миқдорини, йўлини ва вақтини бир овозда қабул қилинган қарор билан белгилаш;<br>(к) Бош директор ҳамда Бош директор ўринбосари фаолиятини назорат қилиш, жумаладан, Бош директор ҳисоботларини мунтазам равишда кўриб бориш ва уларни Компания олиб бораётган сиёсатига муносиб эканлигини таъминлаш;<br>(л) Акциядорлар умумий йиғилишига Тафтиш комиссияси аъзоларига ва ташқи аудитор | (п) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган холларда Компания томонидан мол-мулкни сотиб олиши ҳамда тасарруфидан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(р) Акциядорлар умумий йиғилишига мустақил аудиторлар юзасидан тавсиялар бериш;<br>(с) Акциядорлар умумий йиғилишига Компаниянинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши юзасидан тавсиялар бериш;<br>(т) Компаниянинг фаолият сиёсатини белгилаш;<br>(у) Бош директор томонидан тайёрланган Компаниянинг Йиллик бюджетини ҳамда Бизнес режасини кўриб чиқиш ва бир овоздан тасдиқлаш;<br>(ф) Бош директор ва Бош директор ўринбосарларининг ваколат доирасини бир овоздан белгилаш;<br>(х) ходимлар, шу жумладан, чет эл фуқаролари ҳамда маслахатчиларини ишга олиш тартиблари, йўналишлари, малака стандарлари ҳамда шарт-шароитларини белгилаш;<br>(ц) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган ҳолларда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш; ва<br>(ч) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Уста билан белгиланган Кузатув кенгаши ваколатига берилган Компания фаолиятига тааluқли бўлган бошқа масалаларни ҳал қилиш.<br>Ушбу модданинг ўн иккинчи қисми (а), (и), (н), (п), (т), (у) ва (ф)-бандлари, ўт тўртинчи ва ўн бешинчи қисмларида кўрсатилган масалалар бўйича қарорлар Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бошқа масалалар бўйича қарорлар Кузатув кенгаши аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Акциядорларнинг бирон-бири Кузатув кенгаши | |

| | | |
|---|---|---|
| ҳизматларига тўланадиган ҳақ юзасидан тавсиялар бериш;<br>(м) Компания махсулотларини сотиш ва бозорга чиқариш ҳамда товар ва ҳизматларни сотиб олиш сиёсати, режалари ва тартибларини белгилаш;<br>(н) бир овозда қабул қилинган қарор асосида оралиқ дивидендларни эълон қилиш бўйича ҳамда йиллик дивидендлар тўлови ва тақсимоти юзасидан Акциядорлар умумий йиғилишига тавсиялар бериш;<br>(о) Компания бизнесининг оддий йўналишидан ташқари, Компания томонидан активларни сотиб олиши ёки сотиши;<br>(п) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган холларда Компания томонидан мол-мулкни сотиб олиши ҳамда тасарруфидан чиқарилиши билан боғлиқ бўлган йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;<br>(р) Акциядорлар умумий йиғилишига мустақил аудиторлар юзасидан тавсиялар бериш;<br>(с) Акциядорлар умумий йиғилишига Компаниянинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши юзасидан тавсиялар бериш;<br>(т) Компаниянинг фаолият сиёсатини белгилаш;<br>(у) Бош директор томонидан тайёрланган Компаниянинг Йиллик бюджетини ҳамда Бизнес режасини кўриб чиқиш ва бир овоздан тасдиқлаш;<br>(ф) Бош директор ва Бош директор ўринбосарининг ваколат доирасини бир овоздан белгилаш;<br>(х) ходимлар, шу жумладан, чет эл фуқаролари ҳамда маслахатчиларини ишга олиш тартиблари, йўналишлари, малака стандарлари ҳамда шарт-шароитларини белгилаш;<br>(ц) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида талаб қилинган ҳолларда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш; ва | аъзолигига номзод кўрсатмаган бўлса, Кузатув кенгаши қарорлари белгиланган тартибда чақирилган Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашаётган аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилинади.<br>Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси йиғилиш ўтказиш ўрнига Кузатув кенгаши кўриб чиқиши мумкин бўлган барча масалаларни Кузатув кенгашининг барча аъзоларига бундай масала батафсил баён этилган хабар бериш билан Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этиши мумкин. Бундай масала юзасидан қабул қилинган Кузатув кенгашининг хар бир аъзоси имзолаган ёзма қарор тегишли равишда ўтказилган Кузатув кенгаши йиғилишида унинг аъзолари томонидан бир овозда қабул қилинган қарор каби барча мақсадлар учун ҳақиқий ҳисобланади.<br>Кузатув кенгаши бир овоздан қабул қилинган қарор асосида Кузатув кенгаши кўрсатган махсус йўл-йўриқларга мувофиқ маълум бир масалаларни хал қилиш ёки бошқа тадбирларни амалга ошириш учун махсус қўмиталар тузиш ҳуқуқига эга.<br>Кузатув кенгашининг хар бир аъзоси исталган ҳар қандай вақтда Бош директордан, Бош директор ўринбосарларидан, Тафтиш комиссиясидан Компания фаолиятига таалуқли бўлган ҳисоботларни, хужжатларни ёки маълумотларни талаб қилишга хақли. | |

| | | |
|---|---|---|
| (ч) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу Уста билан белгиланган Кузатув кенгаши ваколатига берилган Компания фаолиятига таалуқли бўлган бошқа масалаларни ҳал қилиш.<br>**11.11. Овоз бериш талаблари (Кузатув кенгаши)**<br>(а) Қонунчиликда ва ушбу Уставнинг 11.11.(б)-бандида кўрсатилганидан бошқа масалалар бўйича қарорлар Кузатув кенгаши томонидан Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашаётган аъзоларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинган, аммо акциядорларнинг бирон-бири Кузатув кенгаши аъзолигига номзод кўрсатмаган бўлса, Кузатув кенгаши қарорлари белгиланган тартибда чақирилган Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашаётган аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилинади.<br>(б) 11.10.(а), (и), (н), (п), (т), (у), (ф), 11.12. ва 11.13.-бандларида айтиб ўтилган масалалар бўйича қарорлар Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.<br>**11.12. Ёзма қарор.**<br>Кузатув кенгашининг ҳар қандай аъзоси йиғилиш ўтказиш ўрнига Кузатув кенгаши кўриб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай масалани ҳар бир Кузатув кенгаши аъзосига бундай масала батафсил баён этилган Билдириш бериш билан, Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этиши мумкин. Бундай масала юзасидан қабул қилинган Кузатув кенгашининг хар бир аъзоси имзолаган ёзма қарор тегишли равишда ўтказилган Кузатув кенгаши йиғилишида унинг аъзолари томонидан бир овозда қабул қилинган қарор каби барча мақсадлар учун ҳақиқий ҳисобланади.<br>**11.13. Махсус қўмиталар.**<br>Кузатув кенгаши бир овоздан қабул қилинган қарор асосида Кузатув кенгаши кўрсатган махсус йўл-йўриқларга мувофиқ маълум бир масалаларни хал | | |

| | | |
|---|---|---|
| қилиш ёки бошқа тадбирларни амалга ошириш учун махсус қўмиталар тузиш ҳуқуқига эга.<br>**11.14. Ҳисоботлар.**<br>Кузатув кенгашининг хар бир аъзоси исталган ҳар қандай вақтда Бош директордан, Бош директор ўринбосаридан, Тафтиш комиссиясидан Компания фаолиятига таалуқли бўлган ҳисоботларни, хужжатларни ёки маълумотларни талаб қилишга хақли. | | |
| **12-модда. Ижроия органи.**<br>**12.1. Бош директор.**<br>(а) Компаниянинг кундалик фаолиятига рахбарлик яккабошчилик асосида ижроия органи Бош директор (“Бош директор”) томонидан амалга оширилади.<br>(б) Компания бош директори Кузатув кенгаши хамда Акциядорлар умумий йиғилиши қабул қилган қарорларни бажарилишини ташкил этади ҳамда тутган йўлини олиб боради, Компаниянинг кундали фаолиятини жорий бошқаришда тўлиқ жавобгарликни олади. Бош директор мавжуд Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу Уставга тўлиқ риоя қилган ҳолда харакат қилади ҳамда Компаниянинг фаолияти ва ишларини Кузатув кенгаши вақти-вақти билан белгиланган тадбирлар, кўрсатмалар, қарорлар ва/ёки йўл-йўриқларга мувофиқ тўлиқ бошқариш учун жавобгар бўлади.<br>(в) Бош директор Кузатув кенгаши аъзоси бўла олмайди, бироқ, у Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.<br>**12.2. Тайинлаш ва ишдан четлатиш.**<br>Бош директор Акциядорланинг умумий йиғилиши қарори билан лавозимга тайинланади. Бош директорни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Кузатув кенгаши Раиси Компания номидан Бош | **12-МОДДА. БОШ ДИРЕКТОР.**<br>Компаниянинг кундалик фаолиятига рахбарлик Бош директор томонидан амалга оширилади. Бош директор Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ушбу уставга риоя қилган холда харакат қилади ҳамда Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.<br>Бош директор Акциядорланинг умумий йиғилиши қарори билан лавозимга тайинланади. Бош директорни лавозимга тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади. Кузатув кенгаши Раиси Компания номидан Бош директор билан мехнат шартномасини тузади. Мазкур шартномада Бош директор ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва вазифалари ҳамда ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қоидаларига мувофиқ унинг ваколати муддати ва ишдан бўшатилиши шартлари белгиланади.<br>Бош директор ваколатига Компания Акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари Компания кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, шу жумладан:<br>(а) Компаниянинг кундалик бошқарувини амалга ошириш, Компания номидан ишончномасиз харакат | Мазкур модда қоидалари Компания ижро органи фаолиятини ташкил этиш учун муҳимлигини ва Уставнинг эски таҳрири тасдиқланиши пайтидан хозирги кунгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик қонунчилигига кўп сонли ўзгартишлар киритилганлигини инобатга олиб, Уставнинг янги таҳриридаги мазкур моддада эски таҳрирдаги 12-модданинг Бош директор фаолиятии ташкил қилишга оид муҳим қоидалари сақлаб қолинган ва бугунги кунги қонунчилик талаблари ҳисобга олинган. Жумладан, модда номи республика қонунчилигига асосланиб “Бош директор” деб номланган ва Компаниянинг амалдаги бошқарув тизимига мос келади.<br><br>Мазкур модданинг янги тахририда замонавий Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган, қўлланиши мажбур бўлган ва бугунги кунга келиб ушбу соҳада барчага маълум бўлган қоидалар чиқариб ташланган. (ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 79-моддаси) |

| | | |
|---|---|---|
| директор билан мехнат шартномасини тузади. Мазкур шартномада Бош директор ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва вазифалари ҳамда ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги қоидаларига мувофиқ унинг ваколати муддати ва ишдан бўшатилиши шартлари белгиланади.<br>**12.3. Ваколатлар.**<br>Кузатув кенгаши номидан тасдиқланган бошқа ҳужжатларда белгиланган ёхуд ушбу Уставда кўзда тутилган ҳуқуқ ва вазифалардан ташқари, Бош директор қуйидаги махсус ваколат ва вазифаларга эга:<br>(а) Компаниянинг кундалик бошқарувини амалга ошириш, Компания номидан ишончномасиз харакат қилиш, ишончномалар бериш, Ўзбекистон Республикаси Миллий валютасида ва чет эл валютасида, клиринг ва бошқа банк ҳисобларини очиш, Компаниянинг молиявий ҳужжатларида биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлиш, Компания мол-мулкини ва маблағларини бошқариш, Компания филиали ёки ваколатхона рахбарини тайинлаш, штатларни тасдиқлаш, Компаниянинг барча ходимлари бажариши лозим бўлган кўрсатмалар, буйруқлар ва йўриқномалар бериш;<br>(б) пул маблағларини керакли валютага ковертация қилиш ҳамда Компания кундалик фаолияти натижасида қилинган сарф-харажатлар бўйича тўловларни ва шундай кундали фаолият юзасидан қонунда талаб қилинган бошқа тўловларни муддати келганда, агар ушбу тўловлар бўйча низолар мавжуд бўлмаса ўз вақтида тўлаш;<br>(в) ўз ваколати доирасида Компаниянинг кундалик фаолиятини олиб бориш учун керакли бўлган ҳар қандай шартнома ва битимлар (жумладан, мехнат, олди-сотди, гаров, ижара (лизинг) шартномаларини) мухокама қилиш ва имзолаш; | қилиш, Компания мол-мулкини ва маблағларини бошқариш, Компаниянинг молиявий ҳужжатларида биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлиш, Компания филиали ёки ваколатхона рахбарини тайинлаш, штатларни тасдиқлаш, Компаниянинг барча ходимлари бажариши лозим бўлган кўрсатмалар, буйруқлар ва йўриқномалар бериш;<br>(б) ўз ваколати доирасида Компаниянинг кундалик фаолиятини олиб бориш учун керакли бўлган ҳар қандай шартнома ва битимлар (жумладан, мехнат, олди-сотди, гаров, ижара (лизинг) шартномаларини) имзолаш;<br>(в) Компания кундалик фаолиятига таалуқли бўлган барча масалалар бўйича уни мамлакат ичида ва хорижда бошқа барча юридик ва жисмоний шахслар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари билан бўладиган муносабатларда Компания номидан иш кўриш;<br>(г) Компания фаолиятига таалуқли бўлган барча тегишли маълумотларни Кузатув кенгашига у талаб қилган шаклда ва вақтларда бериш;<br>(д) Кузатув кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилиши учун дивидендларни тақсимлашда керакли бўладиган хисобларни Йиллик якуний ҳисобот асосида тайёрлаш;<br>(е) Бош директор ўринбисарларидан ташқари, Компания ходимларини ишга олиш, ишдан бўшатиш, уларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш; ва<br>(к) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ушбу Устав ва «Ижроя органи тўғрисида»ги Низом билан белгиланган Бош директор ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.<br>Компания номидан тузилаётган барча контрактлар ва шартномалар Бош директор томонидан ёки у йўқлигида Бош директор тайинлаган шахс | |

| | | |
|---|---|---|
| (г) Компания кундалик фаолиятига таалуқли бўлган барча масалалал юзасидан уни мамлакат ичида ва ундан ташқарида бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари билан бўладиган муносабатларда Компания номидан иш кўриш;<br>(д) Компания кундалик ишларини олиб бориш учун керакли ёки матлуб бўлган воситалар ҳамда ҳуқуқларни сотиб олиш;<br>(е) фақулотда ходиса юз берганда одамлар хаётини ёки мулкини ҳимоя қилиш учун, Компания активларини сақлаш учун ёхуд Ўзбекистон қонунчилигига риоя қилиш учун Бош директор лозим деб топган ҳар қандай оқилона харакатларни амалга ошириш ҳамда Компания назорат қила олмайдиган тасодифий ходисаларни бартараф қилиш учун маълум даражада сарф-харажатлар қилиш, Бош директор ўзининг тегишли равишда бажариши лозим бўлган вазифаларни бузиши оқибатида юз берган тасодифий ходисалар бундан истисно;<br>(ж) Компания фаолиятига таалуқли бўлган барча тегишли маълумотларни Кузатув кенгашига у талаб қилган шаклда ва вақтларда бериш;<br>(з) Кузатув кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилиши учун дивидендларни тақсимлашда керакли бўладиган хисобларни Йиллик якуний ҳисобот асосида тайёрлаш;<br>(и) Бош директор ўринбисаридан ташқари, Компания ходимларини ишга олиш, ва ишдан бўшатиш, уларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш; ва<br>(к) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, ушбу Устав ва “Ижроя органи тўғрисида”ги Низом билан белгиланган ижроия органи ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.<br>**12.4. Имзолаш.** | томонидан, шунингдек Компания бош ҳисобчиси томонидан имзоланади. | |

| | | |
|---|---|---|
| Компания номидан тузилаётган барча контрактлар ва шартномалар Бош директор томонидан ёки у йўқлигида Бош директор тайинлаган шахс томонидан, шунингдек Компания бош ҳисобчиси томонидан имзоланади.<br>**13-модда. Тафтиш комиссияси.**<br>**13.1. Ваколати ва вазифалари.**<br>(а) Компания молия-ҳужалик фаолиятини назорат қилиш мақсадида Акциядорлар тафтиш комиссиясини (“Тафтиш комиссияси”) сайлайдилар. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари ва вазифалари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низом билан белгиланади. Тафтиш комиссиясининг ваколатлар доирасига қуйидагилар киради: Компаниянинг молия-хужалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича, қонунчиликда, ушбу Уставда ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда текшириш; Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни ишончлигига доир баҳо бериш; Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш; Тафтиш комиссияси қонунчилик, ушбу Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Тафтиш комиссияси тўғрисида” ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиш.<br>(б) Тафтиш комиссияси Кузатув кенгашига Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган вақтдан камида ўн (10) кун аввал ушбу Уставнинг 9-Моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган молиявий ва муносиб ҳисоботолиб бориш қоида ва тартибларига мувофиқ ўтказилган йиллик тафтиш натижалари бўйича ҳисоботни тақдим этиши лозим. Акциядорлар | **13-МОДДА. КОМПАНИЯ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ.**<br>Компания фаолиятини назорат қилиш мақсадида Компания Тафтиш комиссия ва Ички аудит хизмати фаолияти ташкил этилади ҳамда корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.<br>**Тафтиш комиссияси**<br>Компания молия-ҳужалик фаолиятини назорат қилиш мақсадида Акциядорлар 3 (уч) кишидан иборат бўйлган ва 1 (бир) йиллик ваколатга эга бўлган Тафтиш комиссиясини сайлайдилар. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари ва вазифалари Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган низом билан белгиланади. Тафтиш комиссиясининг ваколатлар доирасига қуйидагилар киради:<br>(а) Компаниянинг молия-хужалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича, қонунчиликда, ушбу Уставда ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда текшириш;<br>(б) Компаниянинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни ишончлигига доир баҳо бериш;<br>(в) Қонунчилик ва ушбу Уставга мувофиқ Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиш;<br>(г)Тафтиш комиссияси қонунчилик, ушбу Устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Тафтиш комиссияси тўғрисида” ги Низомга мувофиқ бошқа ваколатлар | Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги қоидаларини инобатга олиб, мазкур моддада Компания фаолиятини назорат қилиша билан боғлиқ 3 институтга оид масалалар – Тафтиш комиссияси, Ички аудит ҳизмати ва Корпоратив маслаҳатчиси фаолиятини ташкил этиш масаласи бирлаштирилган, амалда қўлланиши учун қулай тарзда баён этилган, ушбу модданинг эски таҳриридан қонунчиликда мавжуд ва қўлланиши шарт бўлган қоидалар чиқариб ташланган. (ЎзРнинг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-Боби) |

| | | |
|---|---|---|
| умумий йиғилиши Компания балансини тафтиш комиссияси хулосаларисиз тасдиқламайди.<br>(в) Тафтиш комиссияси Компания акциядорларини камида беш фоизига (5%) эгалик қилаётган Акциядорларнинг ёзма талаби, Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори, ёхуд Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овоз билан қабул қилинган қарорига асосан Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан навбатдан ташқари текширув олиб бориши мумкин. Бош директор ҳамда Компания ходимлари Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра барча керакли маълумотларни ҳамда хужжатларни дархол беришлари лозим.<br>**13.2. Тайинлаш ва ваколатини тугатиш.**<br>(а) Тафтиш комиссияси камида уч (3) аъзодан ташкил топади. Акциядорлар умумий йиғилиши Тафтиш комиссияси аъзоларини тайинлаш, ваколатини тугатиш ва алмаштириш ҳуқуқига эгадир.<br>(б) Акциядорлар ўзи тайинланган хар қандай Тафтиш комиссияси аъзосини унинг фаолият муддати тугашидан илгари чақириб олиши мумкин, шундан сўнг чақириб олинган аъзо Тафтиш комиссияси аъзолигидан чиқади. Агар Тафтиш комиссияси аъзолигида бўш ўрин пайдо бўлса, бўшаган Тафтиш комиссияси аъзосини тайинлаган Акциядор унинг ўрнига бошқа шахсни тайинлашаг ҳақлидир.<br>(в) Тафтиш комиссияси бир (1) йилга сайланади. Тафтиш комиссиясининг аъзолари Тафтиш комиссияси таркибига кетма кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.<br>(г) Хеч бир Тафтиш комиссиясининг аъзоси бир вақтнинг ўзида жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда мехнат шартномаси бўйича ишлаши мумкин эмас.<br>**13.3. Мажлислар.** | Тафтиш комиссияси Кузатув кенгашига Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган вақтдан камида 10 (ўн) кун аввал ушбу Уставнинг 9-Моддасида ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган қоида ва тартибларига мувофиқ ўтказилган йиллик тафтиш натижалари бўйича ҳисоботни тақдим этиши лозим. Акциядорлар умумий йиғилиши Компания балансини Тафтиш комиссияси хулосаларисиз тасдиқламайди.<br>**Ички Аудит хизмати.**<br>Компанияда Кузатув кенгашига ҳисобдор ҳисобланган Компания ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилиш ҳамда баҳолаш мақсадида Ички аудит ҳизмати ташкил этилади. Ички аудит ҳизмати ўз фаолиятини Компания ички маъмурий ва меъёрий хужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширади.<br>Компаниянинг ички аудит хизмати ички назоратни амалга оширади, жумладан 50% дан зиёд улуши Компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.<br>**Корпоратив маслаҳатчи.**<br>Жамиятда корпоратив қонунчиликка амал қилиш ва уни назорат қилиш вазифаларини бажарувчи, жамият Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган корпоратив маслаҳатчиси лавозими киритилади;<br>Корпоратив маслаҳатчининг фаолияти Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом асосида юритилади. Корпоратив маслаҳатчининг ваколат ва вазифалари низомда белгиланади. | |

| | | |
|---|---|---|
| Тафтиш комиссияси ўзи лозим деб топган Компания молиявий ҳисоботларини ҳамда молиявий йил бўйича тайёрланган ҳисоботларни кўриб чиқиш мақсадида хар қандай вақт ва жойда йиғилиши мумкин, лекин бир йилда камида бир марта йиғилиши шарт. Тафтиш комиссиясининг йиғилишлари унинг барча аъзолари иштирокидагина ўтказилади.<br>**13.4. Аудиторни танлаш.**<br>Ўзининг назорати ва кўриб чиқиш натижасида, Тафтиш комиссияси Компания учун Кузатув кенгашига мустақил аудиторларни тавсия қилади, бундай мустақил аудиторлар Компаниянинг йиллик баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоботини тафтиш қиладилар. Компаниянинг тафтиш қилинган йиллик баланси ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоботи 9-Моддада кўрсатилгандек тайёрланади.<br>**13.5. Молиявий ҳисоботлар.**<br>Тафтиш комиссияси тегишли равишда Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиш учун Бош директор томонидан тайёрланган Чорак ҳисоботлари, Йиллик бюджет ва Йиллик якуний ҳисоботлар юзасидан ҳулосалар тайёрлайди.<br>**13.6. Солиқ декларацияси.**<br>Тафтиш комиссияси Ўзбекистон Республикаси солиқ идоралари талаб қиладиган солиқ декларацияларини тайёрланишини таъминлайди.<br>**13.7. Акциядорлар умумий йиғилиши.**<br>Тафтиш комиссияси компания манфаатлари хавф остида қолган бўлса ёки мансабдор шахслари ўз лавозимларини суистеъмол қилишлари фош этилган ҳолларда Акциядорлар умумий йиғилишини чақириш ҳуқуқига эгадир.<br>**13.8. Тўлов** | | |

| | | |
|---|---|---|
| Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори Акциядорлар умумий йиғилишида ҳар йил белгиланади.<br>**14-модда. Ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчи.**<br>**14.1. Ички Аудит ваколатлари ва вазифалари.**<br>Компанияда Кузатув кенгашига ҳисобдор ҳисобланган Компания ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилиш ҳамда баҳолаш мақсадида Ички аудит ҳизмати ташкил этилади. Ички аудит ҳизмати ўз фаолиятини Компания ички маъмурий ва меъёрий хужжатлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида амалга оширади.<br>Компаниянинг ички аудит хизмати ички назоратни амалга оширади, жумладан 50% дан зиёд улуши Компанияга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.<br>**14.2. Корпоратив маслаҳатчи ваколатлари ва вазифалари.**<br>(а) Жамиятда корпоратив қонунчиликка амал қилиш ва уни назорат қилиш вазифаларини бажарувчи, жамият Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган корпоратив маслаҳатчиси лавозими киритилади;<br>(б) Корпоратив маслаҳатчининг фаолияти Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом асосида юритилади. Корпоратив маслаҳатчининг ваколат ва вазифалари низомда белгиланади. | **14-МОДДА. МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ.**<br>Компания Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан биргаликда чет эл мутахассисларини ишга олиш ҳуқуқига эга ва у ўз ходимларига тўланадиган ҳақ шакллари, ставкаси ва турларини мустақил белгилашга ҳақли.<br>Мехнат муносабатлари, жумладан, ишга олиш ва ишдан бўшатиш, иш ва таътил жадвалларини белгилаш, Компания тўлайдиган иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурталарни тўлаш Бош директор томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Компания акциядорланинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ амалга оширилади.<br>Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижтимоий суғурта, тиббий ва бошқа жамғармаларга бадаллар тўлайди. | **Эски тахрирдаги Ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчига бағишланган 14-моддадаги қоидалар янги таҳрирда 13-моддага киритилган**<br><br>Мехнат муносабатларини Компания фаолиятидаги муҳим аҳамиятини инобатга олиб ушбу модданинг янги таҳририда эски таҳрирдаги барча қоидалар сақлаб қолинган ва қуллаш учун қулай тарзда қайта баён этилган. (ЎзР Меҳнат кодексининг 12, 17 ва 30-Боблари и бошқалар). |
| **15-модда. Меҳнат муносабатлари.**<br>**15.1. Ёллаш. Шартлар.**<br>(а) Компания Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан биргаликда чет эл мутахассисларини ишга олиш ҳуқуқига эга ва у ўз ходимларига тўланадиган | **Янги таҳрирда 14-моддага тўғри келади.** | |

| | | |
|---|---|---|
| ҳақ шакллари, ставкаси ва турларини мустақил белгилашга ҳақли.<br>(б) Мехнат муносабатлари, жумладан, ишга олиш ва ишдан бўшатиш, иш ва таътил жадвалларини белгилаш, Компания тўлайдиган иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий суғурталарни тўлаш Бош директор томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Компания акциядорланинг умумий йиғилиши қарорларига мувофиқ амалга оширилади.<br>(в) Компания Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ижтимоий суғурта, тиббий ва бошқа жамғармаларга бадаллар тўлайди.<br>**16-модда. Фаолиятни тугатиш ва тарқатиш.**<br>**16.1. Тугатиш ва тарқатиш ҳоллари.**<br>Компания фаолияти қуйидаги холларда тугатилади ва тарқатиб юборилади:<br>(а) тегишла равишда ўтказилган Акциядорларнинг умумий йиғилишида шахсан ёки ўз вакиллари орқали қатнашаётган овоз бериш ҳуқуқига эга Акциядорларнинг малакали кўпчилиги овози билан қабул қилинган қарори асосида;<br>(б) тегишли суд қарори билан; ёки<br>(в) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа асослар бўйича.<br>**17-модда. Тугатиш ва қайта ташкил этиш.**<br>**17.1. Тугатиш комиссияси.**<br>(а) Компания фаолияти тўхтатилса ва уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинса, Акциядорлар умумий йиғилиши ёки қонунда белгиланган бошқа орган тугатиш комиссиясини ёки тугатувчини тайинлайди (“Тугатиш комиссияси”).<br>(б) Тузилган пайтдан бошлаб Тугатиш комиссияси Компаниянинг фаолияти ва ишларини бошқаришни ўз зиммасига олади.<br>**17.2. Баҳолаш.** | **Қонунчиликда императив тарзда белгиланганлиги ва Компания акциядори ЎзУммон Инвестиция компанияси вакиллари таклифига биноан тугатиш ва тарқатишга бағишланган қоидалар янги таҳрирга киритилмаган.**<br><br>**Қонунчиликда императив тарзда белгиланганлиги ва Компания акциядори ЎзУммон Инвестиция компанияси вакиллари таклифига биноан тугатиш ва қайта ташкил қилишга бағишланган қоидалар янги таҳрирга киритилмаган.** | |

| | | |
|---|---|---|
| Тугатиш комиссияси Компаниянинг барча активлари ва мулкини бахолайди, тугатиш тўғрисида Билдириш эълон қилади, Компаниянинг дебиторлари ва кредиторлари билан ҳисоб китоб қилади, вақтинча тугатиш балансини тайёрлайди ва бундай балансни Акциядолрлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этади, агар тугатиш суд қарори билан амалга оширилган бўлса, балансни шундай суд ва Адлия вазирлигига тақдим этади. Компания кредиторлари билан ҳисоб-китоб тугагандан сўнг Тугатиш комиссияси якуний тугатиш балансини тайёрлайди ва уни Акциядорларнинг умумий йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этади, агар тугатиш суд қарори билан амалга оширилган бўлса, балансни шундай суд ва Адлия вазирлигига тақдим этади. Компания мулки ва активлари уларнинг ўртача амортизациясини ва эскиришини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади.<br>**17.3. Тўловлар.**<br>(а) Агар Компания активлари кредиторлар олдидаги мажбуриятларни барчасини бажаришга етарли бўлмаса, Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ бундай компания активлари Компания кредиторлари ўртасида уларнинг даъволари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади.<br>(б) Ҳисоб-китолар қилиниб, иш ҳақи, қарз олувчи ва қарз берувчиларнинг даъволари, Компанияни ёпиш жараёнида қилинган сарф-харажатлар тўлангандан сўнг ва кутилмаган мажбуриятлар учун етарли захира фонди ташкил эьтилгандан сўнг қолган пул маблағлари Акциядорлар ўртасида уларнинг улушларига мутаносиб равишда тақсимланади, норезидент акциядорларнинг улуши Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳеч қандай комиссион тўловлар ёки бошқа чегирмаларсиз АҚШ долларида тўланади. | | |

| | | |
|---|---|---|
| (в) Агар Компания қўшилиш, бирлашиш, ажралиш, чиқариб олиш ёки қайта ташкил этиш йўли билан қайта ташкил этилса, Компания активларидан бир қисми бошқа корхона устав фондига бадал сифатида ўтказилиши мумкин ёки Компанияни қайта ташкил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида таъқиқланмаган бошқа чоралар кўрилади.<br>**17.4. Кучга кириш.**<br>Компания тугатилиши ва тарқатиб юборилиши Адлия вазирлиги томонидан юритиладиган давлат корхоналари реестрида қайд этилгандан сўнг тугатиш якунланган ва Компания тугатилган ва тарқатиб юборилган ҳисобланади. Компания қайта ташкил этилганидан ёхуд тугатилганидан сўнг ушбу Устав ўз кучини йўқотади ва Акциядорлар томонидан Компанияга берилган барча ҳуқуқлар ва Акциядорларнинг ушбу Уставга мувофиқ Компания олдидаги барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари (Компанияни ёпиш ва тугатиш, шунингдек, соф активларни Акциядорларга тарқатишга таалуқли бўлган мажбуриятлар бундан истисно) тўхтатилади.<br>**17.5. Қайта ташкил этиш.**<br>(а) Компанияни қайта ташкил этиш Акциядорланинг умумий йиғилиши қарори билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган тартибда қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш тарзида амалга оширилади.<br>(б) Янги тузилган юридик шахс ўрнатилган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан Компания қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, қўшиб олиш тарзида қайта ташкил этиш бундан мустасно.<br>(в) Компания бошқа жамиятга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда давлат рўйхатга олиш | | |

| | | |
|---|---|---|
| органи Компания ўз фаолиятини тўхтатгани хақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан Компания қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.<br>(г) Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан Компания 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу хақда ёзма равишда хабардор этади.<br>(д) Агар бўлиниш баланси Компаниянинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янги вужудга келган юридик шахслар Компаниянинг мажбуриятлари юзасидан унинг кредиторлари олдида солидар жавобгар бўладилар.<br>**18-модда. Бошқа қоидалар.**<br>**18.1. Билдиришлар.**<br>Ушбу Уставга мувофиқ юбориладиган барча билдиришлар, сўровлар ёки бошқа хатлар (ҳар бири “Билдириш”) ёзма равишда жўнатилган ва (i) агар шахсан ёзилган бўлса ёки буюртмали экспресс-почта ёҳуд авиа-курьер оркали юборилган бўлса, етказилган кундан бошлаб, ёҳуд (ii) факсимил ўтказиш, телекс ёки телеграмма орқали юборилган бўлса, жўнатилган куннинг эртасига, шу шарт биланки, олганлиги факсимил ўтказиш амалга оришририлганлигининг тасдиғи, телекснинг жавоби ёки олувчининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак, олинган ва кучга кирган саналади; ва Акциядорларга Акциядорлар реестрида кўрсатилган тегишли манзилларнинг факсимил/телекс рақамлари бўйича юборилади; ва Кузатув кенгаши, Бош директор ёки Тафтиш комиссияси аъзосига Билдириш бўлса, Компанияний ҳуқуқий манзили сифатида бундай аъзога нисбатан кўрсатилган ёки факсимил/телекс рақамлари бўйича юборилади. Шу мақсадларда бир аъзо Компанияга ўзининг манзили, телефон, факсимил/телекс рақамларини бериши ва уларда бўлган ҳар қандай | <br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br><br>**Чиқариб ташланган.** | |

| | | |
|---|---|---|
| ўзгаришлар тўғрисида Компанияни хабардор қилиши лозим.<br>**18.2. Бўлинувчанлик.**<br>Ушбу Уставнинг ҳар бир қоидаси унинг бошқа қоидаларидан алоҳида бўлади ва улардан бири ёки бир нечтасининг ўз кучини йўқотиши ёки мажбурий амалга оширилмаслиги ушбу Уставнинг қолган қоидаларининг ҳақиқийлигига ёки мажбурий амалга оширилишига таъсир кўрсатмайди.<br>**18.3. Чапараст хаволалар.**<br>Агар бошқача кўрсатилмаган бўлса, ушбу Уставда Модда ёки Бандларга қилинган хаволалар ушбу Уставнинг шу Моддалари ва Бандларига тегишли бўлади.<br>**18.4. Тил ва нусҳалар.**<br>Ушбу Устав ўзбек ва инглиз тилларида имзоланади ва ўзбек тилидаги Устав давлат рўйхатидан ўтказилади.<br>**18.5. Банд сарлавхалари.**<br>Ушбу Устав бандлари сарлавҳалари уларга мурожаат қилиш мақсадларида қўлланилган ва ушбу Уставнинг маъносига ёки талқил этилишига таъсир кўрсатмайди.<br>Ушбу Устав Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 2019 йил 2 октябрда тасдиқланган.<br><br>**-------------------------------**<br>**Бош директор**<br>**Мустафаев З.Б.** | **Чиқариб ташланган** | |